Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 21 (9767).

1990 йил 30 январь сешанба

Баҳоси 3 тийин.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

1989 йилда иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришга, уни ижтимоий соҳага кўпроқ буриб юборишга ва молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди дейилади СССР Давлат статистика комитетининг 1989 йилда СССРнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тўғрисидаги ахборотида. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларида ишлаб чиқариш восталарини ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига нисбатан илдамликка эришилди. Мудофаа саноати корхоналари халққа керакли моллар ишлаб чиқаришга жалб этила бошланди. Ижтимоий соҳага устун даражада маблағ ажратиладиган бўлиб қолди. Миллий даромаддан жорий истеъмолга ва нонишлаб чиқариш қурилишига ажратиладиган ресурсларнинг улуши аввалги йилдаги 82,3 фоиз ўрнига 83 фоиздан ошиб кетди. Халқ фаровонлигини ошириш юзасидан йил учун белгиланган марказлаштирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Пенсияларнинг энг оз миқдорлари кўпайтирилди.

Ўтган йил мобайнида (нархнавонинг ҳақиқий ўзгариш таъсирини истисно этганда) ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоиз, ҳосил қилинган миллий даромаднинг 2,4 фоиз, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг 2,3 фоиз ошиши таъминланди. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини қўлланиш кенгайди.

Шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий вазият мураккаб бўлиб турибди. Истеъмол бозоридаги кескинлик ошди. Иқтисодиётни ривожлантириш сўръати пасайди. Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йиллик планининг кўпгина энг муҳим кўрсаткичлари бажарилмай қолди.

Давлат бюджети ҳаражатларининг даромаддан 120,8 миллиард сўм ортиб кетиши планлаштирилган бўлса, молиявий аҳволни соғломлаштириш оид тадбирлар мажмуи ўтказилганлиги натижасида тахминан 92 миллиард сўм ортиқ бўлиши таъминланди Давлатнинг ички қарзи 400 миллиард сўмга яқинлашди.

Бюджетга 111,1 миллиард сўм миқдорида оборот солиғи тушди, бу аввалги йил даражасидан 10,1 миллиард сўм ёки 10 фоиз кўп. 1989 йилда аввалги йилга нисбатан кўпроқ фойда олинди. Аммо фойда кўпайишининг анчагина қисми нархларнинг асоссиз равишда ошиши натижаси бўлди.

Муомалага пул чиқариш 1988 йилги даражадан 56 фоиз ошди ва 18 миллиард сўмдан кўпайди.

1988 йилга нисбатан истеъмол молларининг ва пулли хизматларнинг нархлари ҳақиқатан 2 процент кўтарилди. Қондирилмаган талаб ошишини («Пинҳона инфляцияни») ҳисобга олганда истеъмол бозоридаги пулнинг қадрсизланиш миқёси 7,5 фоизга етди.

1990 йилнинг бошида СССР аҳолиси 288,8 миллион кишини ташкил этди. Бир йил ичида аҳоли 2,1 миллион киши ёки 0,7 фоиз кўпайди. Аҳоли кўпайиши суръатининг пасайганлиги асосан туғилганлар сонининг камайиши натижаси бўлди. Йил давомида умумий туғилиш коэффициенти пасайиб 1000 аҳоли ҳисобига туғилиш 18,8 нафардан 17,6 нафарга тушиб қолди. Тахминий умр узоқлиги 69,5 йилни ташкил этди ва амалда 1988 йил даражасида қолди.

1989 йилда мамлакатнинг меҳнат ресурслари 164 миллион кишини ташкил этди ва йил давомида 0,9 миллион нафар кўпайди. Халқ хўжалигида 139 миллион киши шуғулланди. Меҳнатга лаёқатли жами аҳолидан қарийб 13 миллион киши ижтимоий ишлаб чиқаришда шуғулланмаяпти.

Ўтган йил давомида давлат ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларидан 1,3 миллион киши бўшатиб олинди, уларнинг кўплари хизмат соҳасининг корхоналари ва ташкилотларига ўтди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат интизоми ёмонлашди, ишга сабабсиз келмаслик, бекор туриш кўпайди, кадрларнинг қўнимсизлиги ошди. Ўтган йилда мамлакатнинг бир қанча районларидаги иш ташлаш оқибатида 7 миллион одам-кунидан ортиқроқ вақт зое ўтди. Йил давомида иш ташлашлар муносабати билан ҳар куни ўрта ҳисобда қарийб 30 минг киши ишламади. Бевосита маҳрум бўлинган маҳсулот (бажарилмаган ишлар)нинг ўзи 0,8 миллиард сўмликни ташкил этди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилдаги 220 сўмдан 1989 йилда 240 сўмга, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 182 сўмдан 196 сўмга етди. Кооперативларда ишчиларнинг, шу жумладан ўриндошлик асосида ишловчиларнинг ўртача бир ойлик меҳнат ҳақи 500 сўмдан ошди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 187 миллиард сўмлик, яъни 1988 йилга нисбатан 11,6 миллиард сўмлик кўп тўлов ва имтиёзлар олди. Бу тўлов имтиёзларнинг 50 фоизга яқини пул тўловларидан иборат бўлди.

Аҳолининг пул даромадлари аввалги йилга нисбатан салкам 64 миллиард сўм ёки 12,9 фоиз кўпайиб, планда кўзда тутилганидан 57,7 миллиард сўм ошиб кетди. Пул даромадларининг кўпайиш суръати бу даромадларнинг товарлар ва хизматларга сарфларнинг кўпайишидан 1,4 баравар илдамлашди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларига қўйган омонатлари 1989 йил мобайнида 41 миллиард сўмлик миқдорида кўпайди ва 337,7 миллиард сўмга етди.

Ишчи ва хизматчилар оилаларининг озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга пул харажатлари аввалги йилга нисбатан 4 фоиз, саноат моллари харид қилишга сарфи 13 фоиз, колхозчиларнинг оилаларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳам саноат моллари харид қилишга бўлган харажатлар 6 фоиз кўпайди.

1989 йил 1 октябрдан бошлаб қарилик пенсиясининг энг оз миқдори ойига 70 сўмгача кўпайтирилди, бу эса 20 миллион пенсионернинг, шу жумладан 8 миллион колхозчининг моддий аҳволини яхшилаш имконини берди. I ва II группаларга мансуб ногиронлардан 2 миллион кишининг моддий аҳволи яхшиланди, уларнинг пенсиялари энг оз миқдори 85 ва 70 сўмгача етди, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 800 минг беваси учун, боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун ойига камида 60 сўм пенсия белгиланди. 1989 йилнинг тўртинчи кварталидагина шу тадбирларни амалга ошириш харажатлари 1,3 миллиард сўмни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ПБИП ўз фаолиятини тўхтатди

✦ПОЛЬША ишчи ва Польша Социалистик партиялари қўшилгандан сўнг 1948 йилда ташкил топган Польша Бирлашган Ишчи партияси ўз фаолиятини тўхтатади. 27 январда Варшавада очилган ПБИП XI съезди, кутилишича, ана шундай қарор қабул қилади. Съездга тайёргарлик арафасида партия ташкилотлари, Польша сўл кучлари ўртасида бўлган мунозаралар давомида ана шундай якун бўлиши кутилмоқда эди.

ПБИП съездида 1639 делегат иштирок этмоқда. Уларнинг ўртача ёши 40 дан сал зиёдроқдир. Съезд ишида 257 нафар хорижий мухбирлар ва юзлаб Польша ахборот воситалари ходимлари ёритмоқдалар.

БКП Марказий Комитети қарори

✦ БОЛГАРИЯ Коммунистик партияси Марказий Комитети қарорига асосан БХР қуролли кучларидаги сиёсий органлар, партия ва комсомол ташкилотлари тарқатиб юборилади. БХР Давлат Кенгаши фармонига асосан уларнинг ўрнига ҳарбийлар ўртасида тарбиявий иш олиб борувчи органлар таъсис этилади.

Д. Мазилу истеъфога чиқди

✦ РУМИНИЯ Миллий Нажот Фронти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Димитру Мазилу истеъфога чиқди. Ўзининг қарорини у «миллий нажот фронти фаолиятида сталинча услуб ва амалиётнинг сақланиши» билан изоҳлади.

Генерал Норьега талаби

✦ ПАНАМАНИНГ собиқ ҳокими генерал Норьега ҳозир АҚШнинг Майама шаҳрида ҳибсда сақланмоқда. У қора дорилар билан савдо қилишда айбланмоқда. М. Норьега яқинда ўзига ҳарбий асир мақоми берилишини талаб қилди. Бунда у 1949 йилда қабул қилинган ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясини далил сифатида келтирди. Норьега ўз қарорларини АҚШ президенти Жорж Бушга йўллаган мактубида баён этди.

Ф. Миттераннинг айтганлари

✦ М. С. ГОРБАЧЕВ қайта қуриш вазифаларини амалга оширишни учун Совет Иттифоқига ўзининг миллатлараро муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бермоқ зарур. Бундай вазият халқаро қулай муҳитни вужудга келтириш, шунингдек, кўп томонлама муносабат ва алоқаларни ривожлантириш натижасида вужудга келтирилиши мумкин. Италия телевидениеси билан қилган суҳбатида Франция президенти Ф. Миттеран ана шундай баёнот берди.

Гондураснинг янги президенти

✦ ГОНДУРАСДА янги президент Рафаэль Леонардо Кальехас ўз вазифаларини адо этишга киришди. 45 ёшли бу киши Гондураснинг учинчи фуқаро президентидир. У ўзининг нутқида Марказий Америкадаги ихтилофларни бартараф этишнинг тинч йўллари топилади, деб ишонч билдирди.

ХХРнинг ўз йўли бор

✦ ХИТОЙ янги йили муносабати билан сўзга чиққан Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бошлиғи Ли Пэн «халқаро воқеаларнинг қандай ривожланишидан қатъий назар Хитой социализм йўлидан бораверади» деди. Шунингдек, у Хитой билан баъзи бир Ғарб мамлакатлари ўртасида муносабатлар бироз қийинлашган эди, лекин ҳозир бу муносабатлар яхшиланиши сезилмоқда, деб таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ИМКОНИЯТЛАРНИ ОШИРИБ, МИЛЛИЙ ДАРОМАД ЎСИШИГА ЭРИШАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 25 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани ҳамда республика давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди, республика партия-хўжалик фаоллари йиғилишларининг қарорлари асосида иқтисодиётни соғломлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Қабул қилинаётган чора-тадбирлар ўтган йили халқ хўжалиги комплексининг айрим тармоқларини ривожлантиришда ижобий силжишларга эришиш имконини берганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Давлат бюджетининг даромад қисми 142 миллион сўм ошириб бажарилди. Фойдаланилган миллий даромаднинг 90 фоизидан кўпроғи ижтимоий эҳтиёжларга сарфланди.

Бироқ республика халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳамон мураккаб бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқариш яхши ташкил этилмаганлиги, меҳнат ва технология интизоми бўшлиги, хўжалик юритишнинг янги шакллари, фан-техника тараққиёти ютуқлари амалиётга суст жорий этилаётганлиги, корхоналар мустақиллигини ривожлантиришдаги нуқсонлар натижасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш суръатлари пасайди.

Ўзбекистондаги 312 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини 1988 йилдагига нисбатан 631 миллион сўмлик камайтириб юборди. Шунинг учун шартнома мажбуриятларини ҳисобга олганда, маҳсулот етказиб бериш плани атиги 99 фоиз бажарилди. Биринчи галда металлургия, машинасозлик, химия ва агросаноат комплекслари, енгил саноат корхоналарида қолоқликка йўл қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш камайганлиги ялпи маҳсулотни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатди. Ялпи маҳсулот ҳажми дастлабки маълумотларга кўра 10,4 миллиард сўмни ёки планга нисбатан 92,2 фоизни ташкил этди.

Республиканинг қурилиш комплекси тангликни бошидан кечирмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш плани атиги 83 фоиз бажарилди, 969 миллион сўмлик объектлар ишга туширилмай қолди, бу эса чала қурилишларнинг кўпайишига олиб келди. Ҳозир чала қурилишларнинг ҳажми 5,6 миллиард сўмни ташкил этади. Енгил саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини илдам ривожлантиришнинг муҳимлигини жойларда ҳали ҳам тушунишмаяпти, бу объектларни ресурслар билан биринчи навбатда таъминлаш йўлга қўйилмаяпти.

Мажлисда, уй-жой, касалхоналар, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини қуриш давлат плани бажарилмай қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Транспортда, алоқа соҳасида ҳамон аҳвол мураккаблигича турибди.

Енгил саноат корхоналарининг ишида айниқса катта камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Ип газлама тармоғида тузукроқ ўзгаришлар рўй бермади, натижада 253 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Маҳаллий саноат министрлигида маҳсулот етказиб бериш планини бажармаётган корхоналар кўпайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида маҳсулот таннархи қимматлашгани, хўжасизлик ҳамда ишлаб чиқариш, технология ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда жиддий тўсиқ бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. Бу ҳол шунга олиб келдики, республика корхоналарининг аксарият қисми молиявий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планни бир неча ўн миллион сўмлик миқдорда кам бажарди. Бир қанча министрлик ва идораларнинг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари молиявий аҳволни соғломлаштириш программаси қандай амалга оширилаётганлигини тегишлича назорат қилмаяптилар, иқтисодиётни хўжалик юритиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг янги принципларига ўтказиш шароитида республика ва территорияларнинг барқарор бюджетини шакллантиришни таъминлаш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормаяптилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУГАТИБ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тугатилсин.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим иттифоқ-республика министрлиги ва Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети

Президиумининг раиси
Ўзбекистон ССР Олий Совети — **М. ИБРОҲИМОВ.**

Президиумининг секретари — **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 27 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми:

Қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришдаги хизматлари, қишлоқ хўжалик илмий-педагогик кадрлари ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаганлиги учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг қуйидаги ходимларига **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвонини берди:

Пирохунов Тешабой — агрохимия кафедрасининг мудири.

Симонгулян Наталья Григорьевна — генетика кафедрасининг мудири.

* * *

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, ёш ишчиларга касб маҳоратини ўргатишда фаол иштирок этганлиги учун Тошкент областидаги «Газалкентстройматериали» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тош йўнувчиси ўртоқ Йўлдош Боймурзаевга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвонини берди.

* * *

Кўп йиллик самарали фаолияти, етишиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси СССР 50 йиллиги номли пионер лагерининг бошлиғи ўртоқ Данил Исломович **Абдуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвонини берди.

* * *

Ўқувчилар ва студент ёшларни тарбиялашда эришган муваффақиятлари ва фаол жамоат иши учун Чирчиқ индустриал техникуми директорининг ўринбосари ўртоқ Владимир Чихович **Хонга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маориф ходими»** фахрий унвонини берди.

* * *

Кўп йиллик самарали меҳнати, ўқув-тарбия жараёнини ва илмий-тадқиқот ишини мақомга ошириш этганлиги, республика қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаганлиги учун Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг қуйидаги ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади:

Абдуолимов Болтош — олий математика кафедрасининг мудири.

Абдусаматов Абдулатиб — агрохимия ва тупроқшунослик факультетининг декани.

КПСС Марказий Комитети идеология комиссиясида

КПСС Марказий Комитети Идеология комиссиясининг 26 январь куни Москвада бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси қайта қуришда В. И. Ленин назарий меросидан фаол фойдаланиш масалаларига бағишланди. Мажлисда идеология муассасаларининг раҳбарлари, жамиятшунос олимлар, маданият арбоблари, партия ходимлари иштирок этдилар.

Уч ойдан кейин В. И. Ленин туғилган кунига 120 йил тўлади, деди мажлисни очар экан комиссия раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев. Илгари Ленин юбилейлари дабдабали тадбирларга айлантириб юборилар, ўша пайтдаги раҳбариятни ортиқча мақташ-га айланиб кетар эди. Ленинча принципларга амал қилишга ваъдалар тобора маросим тусини касб этар эди. Ленинча принципларга амал қилишга қасамёд этилар, аммо амал қилинмас эди.

Бугунги кунда Ленин меросига мурожаат қилиш долзарблигини юбилей тадбирлари эмас, балки ижтимоий тараққиётимизнинг қатъий эҳтиёжлари, турмушнинг барча томонларини чуқур ўзгартириш, ижтимоий онг соҳасидаги мураккаб жараёнлар тақозо этмоқда. Қайта қуриш Ленин меросини чинакам ижодий англаш, Ленинни назарётчи, сиёсатчи ва инсон сифатида тушуниш муаммосини ҳар қачонгидан кўра ўткир қилиб қўйди. Совет жамияти ўз-ўзини англаш ва ўзини ўзи янгилашдан иборат покланиш йўлига кирган ҳозирги пайтда Ленин тўғрисидаги сохта фикрларга, шунингдек кўр-кўрона мақтовлар ва қоралашларга бизнинг маънавий турмушимизда ўрин бўлиш мумкин эмас.

Шундай кейин муҳокама бўлиб ўтди. Муҳокамада КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори Г. Л. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг секретари «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг проректори И. И. Антонович, драматург М. Ф. Шатров, «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири А. А. Беляев, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. Н. Кудрявцев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори Р. Г. Яновский, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институтининг ректори Ю. А. Красин, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, Москва Олий партия мактабининг профессори Н. Н. Маслов, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, «Советская Россия» газетасининг бош муҳаррири В. В. Чикин, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Захаров, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари В. А. Кущов, Халқ таълими давлат комитети раиси Г. А. Ягодин сўзга чиқдилар.

В. А. Медведев муҳокамани якунлади. У В. И. Ленининг ғоявий-назарий меросига холис баҳо бериш зарурлигига, икки яхлит вазифани ҳал этишга: ленинизмни ақидапарастлик хусусиятларидан халос этишга ва уни ҳозирги пайтдаги сохталаштирувчилардан ҳимоя қилишга; ленинизмни жамиятимизни социалистик янгилаш вазифаларини ҳал этиш билан мустаҳкам алоқада ижодий ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратди. Ушбу масалалар, деди Марказий Комитет секретари, тобора кенг авж олдирилаётган съездолди мунозарасининг марказида турибди.

Бўлиб ўтган мажлис материаллари матбуотда эълон қилинади.

Комиссиянинг 1989 йилдаги фаолияти натижалари муҳокама этилиб, келгуси йилга мўлжалланган иш плани қабул қилинди.

(ТАСС).

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

УЖАРА шаҳрида Озарбайжон Коммунистик партияси ноҳия комитети ўз ишини тиклади... Жумҳуриятнинг турли томонларидан келаётган янгиликлар оқимида бу факт жумҳурият турли ноҳияларида партия сафига қабул қилишнинг тикланиши каби вазиятнинг ўзгараётганлигидан далолат берувчи эътиборга сазовор далилдир. Ўтган тунда Бокуда оммавий тартибни бузиш ҳоллари қайд қилинмади. Кундуз куни жамоат ва хизмат транспортига ёнилғи қуйиш бекатлари очилди. Шаҳарда троллейбус ва автобус паркларининг бир қисм машиналари йўлга чиқди. Газета сотувчилари кўпайди: дўкончаларда «Коммунист» ва «Вишка» рўзномалари пайдо бўлди. Марказий газеталар ҳам чоп этила бошланди. 27 январь Москва вақти билан соат 19 да жумҳурият телевиденияси ўз эшиттиришларини қайта бошлади. Кўрсатувлар Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Муталибовнинг сўзга чиқиши билан очилди.

Метро бекати, темир йўл ва автомобиль вокзалларида ўз-ўзидан пайдо бўлган митинглларда турли хил миш-мишлар, ташвишлар билан биргаликда «Озарбайжон халқ фронти экстремистлари халқни алдади ва қон тўкилишига ундади», бунда айбдор бўлган кишилар эса «жавобгарликдан қутулиб қолиб, қон тўкилишини давом эттиришга чорламоқдалар» сингари гаплар ҳам эшитилди. Қонли гиж-гижлашларни давом эттиришга бўлган даъватлар қўллаб-қувватланмаяпти, аҳоли уларга ўзининг салбий муносабатини билдирмоқда.

Тартиб-интизом ўз-ўзидан бўлмайди. У ҳарбий маъмурлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, маҳаллий жамоатчилик саъйи-ҳаракатлари билан йўлга солинмоқда.

Боку шаҳридан рус тилида сўзлашувчи аҳолининг кетиши камайганлиги ҳам кескинликнинг сусаяётганлигидан далолат беради. Шу нарса эътиборга сазоворки, митингларда «Русларнинг кетишини истамаймиз!» деган шиорлар пайдо бўлди. Турли миллат вакиллари ўзаро мушоҳада ва мулоқот тилини изламоқдалар.

Арманистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам кескинлик пасаймоқда. Корхоналар, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари нормал тартибда ишлаб турибди. Кировакан аҳолиси 27 январь куни шанбаликка чиқди. Зилзиладан бўён биринчи марта ҳамма корхоналар икки сменада ишлади. Шу билан биргаликда жумҳуриятда жангарилар гуруҳларини вужудга келтиришга уринишлар давом этмоқда.

25 январь куни Ереваннинг Театр майдонида бўлиб ўтган митингда норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазиятни изга солиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар моҳиятини бузиб кўрсатишга уриндилар.

Чегара қўшинлари чегара режимини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўрмоқдалар. Қисм ва бўлинмаларнинг шахсий состави босиқлик билан иш кўриб, қалтис вазиятларда усталик ва билимдонлик билан иш кўрмоқдалар.

Бир кеча-кундуз давомида Эрон томонидан ўтган 38 нафар чегарабузар ушланди. Ленкоран ва Пришиб чегара отрядлари участкаларида 1941 одам чегарадан ўтказилди. Улардан 1246 киши Эрон томонига ўтди.

Озарбайжон ва Арманистондаги вазият мамлакатимизнинг барча бурчакларида акс садо берди. Марказий партия, совет органларига, газеталар, бошқа оммавий ахборот воситаларига минглаб телеграммалар келмоқда. Уларда қон тўкилишининг олдини олиш бўйича кўрилган тадбирларни совет кишилари қўллаб-қувватламоқдалар.

(ТАСС).

✦ Суратда: Тоғли Қорабоғнинг Аскеран ноҳиясида бузғунчилар томонидан портлатилган кўприк қайта тикланмоқда.

(ТАСС сурати).

ИМКОНИЯТЛАРНИ ОШИРИБ, МИЛЛИЙ ДАРОМАД ЎСИШИГА ЭРИШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шундан келиб чиқиб, қарор қилди: 10 февралгача министрликлар ва идоралар коллегияларининг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг кенгайтирилган мажлисларида 1989 йилдаги ва беш йилликнинг тўрт йили мобайнидаги фаолият якунлари, иқтисодиётни амалий соғломлаштириш қандай борасида ўтгалиги ҳар томонлама муҳокама қилинсин. СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорлари, шунингдек Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида баён этилган қоидалар ҳисобга олиниб, 1990 йилги давлат планида кўзда тутилган вазифалар сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

Қабул қилинган қарорда истеъмолчиларга ва чакана савдога ишлаб чиқариш-техникавий йўналишдаги маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли молларини етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномаларини, шунингдек пудрат ишлари юзасидан шартномалар тузишни ва капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш учун ҳисоб-китоб дафтарчаси очишни қисқа муддатда тугаллаш кўзда тутилган. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарур деб ҳисобланди. Ишлаб топилмаган пуллар тўланиши имкониятини истисно этиш учун меҳнатга ҳақ тўлашга маблағ сарфини назорат қилишни кучайтириш лозим. Порахўрликка, чайқовчиликка, қўшиб ёзишларга қарши жуда қаттиқ кураш олиб бориш, одамларга бефарқ муносабатда бўлиш фактларига, социал адолат принципи бузилишига ўз вақтида ва принципиал баҳо бериш керак.

Мажлисда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси биринчи галдаги вазифалар қаторида тилга олинди. «Аҳолини иш билан таъминлаш» комплекс программасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қарор қилинди. Программа 1990 йилда салкам 300 минг кишини иш билан таъминлашни, ўн учинчи беш йилликда эса республика аҳолисидан қарийб 1,5 миллион кишини жамоат ишлаб чиқаришига ва ўқишга жалб этишни кўзда тутади. Ана шу кадрлар, биринчи галда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналарга юборилади. Шу йилнинг ўзидаёқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Медицина хизматини яхшилаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатишга доир ижтимоий программаларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Одамларнинг бундай тоифаси учун шу йилдаёқ республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, шунингдек корхоналарнинг маблағларидан қўшимча 142 миллион сўм пул сарфланади. «Меҳр-мурувват», «Ғамхўрлик», «Ёшлар» республика комплекс программаларини ишлаб чиқишга катта маблағлар ажратишга қарор қилинди.

Мажлисда мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топширишни барбод қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Республиканинг барча областлари ва районларида одамларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш юзасидан аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттириш зарур. Маҳаллий ҳокимият органлари, манфаатдор ташкилотлар ва идоралар шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш, янги газ қувурларини ётқизишга доир ишларни давом эттиришлари керак. Улар фаолиятида қишлоқ жойларидаги аҳолини сув билан ишончли тарзда таъминлаш масалалари устун йўналиш бўлиши даркор. Ўз томорқаларида сабзавот ва мева етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланаётган қишлоқ аҳолиси куч-ғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу йил барча корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларни экологик жиҳатдан рўйхатдан ўтказишни назорат остига олиш зарур. Экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг конкрет тадбирларини, уларни маблағ ва ресурслар билан таъминлаш манбаларини аниқ-равшан белгилаб олиш керак.

Манфаатдор ташкилотлар ва идоралар пахта териш техникасининг янги намуналарини яратишни тезлаштириш юзасидан катта ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни бажаришлари лозим бўлади.

Қарорда моллар ва парандаларни қишдан нобуд қилмасдан олиб чиқиш, яқин вақт ичидаёқ бутун қишлоқ хўжалик техникаси комплексини тўла-тўкис тахт қилиб қўйиш биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа эканлиги таъкидланади. Бу йил барча пахтакор хўжаликларни 1- ва 2-категориядаги уруғлик билан таъминлаш керак бўлади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар кенг тармоғини вужудга келтириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган ва жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини олиб борувчи Ўзбекистон ССР бош бошқармаси, республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-коопе р а т и в комитети олдида масъулиятли вазифалар турибди. Улар 1989 йилдан бу йилга ўтган объектларни биринчи кварталда ишга туширишлари, халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган корхоналар қурилишидаги қолоқликни тугатишлари даркор. Улар ўй-жой ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни топширишдаги қолоқликни бартараф этишлари керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу масалалар қабул қилинган қарорда ўз аксини топди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ истеъмоли моллари (шу жумладан спиртли ичимликлар) 426 миллиард сўмлик (чакана нархларда), яъни аввалги йилга нисбатан 30 миллиард сўмлик ёки 7 фоиз кўп ишлаб чиқарилди. Чет элларидан 1988 йилга нисбатан тахминан 8 миллиард сўмлик ёки 19 фоиз кўп мол олинди. Нисбатан қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Мудофаа корхоналарининг ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш шароитида мудофаа тармоқларининг корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш умуман саноатдагига нисбатан бир мунча юқори суръатлар билан кўпайди. Бу корхоналарда товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши 11 фоизни ташкил этди.

Чакана товар оборот плани 102,4 фоиз бажарилди, унинг умумий ҳажми 1988 йилга нисбатан 37,3 миллиард сўмлик кўпайди. Кўпгина молларни сотиш кўпайган бўлишига қарамай, истеъмол бозоридаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Халқ истеъмоли молларининг сифати қониқарсизлиги хусусида аввалгидек кўп таъналар айтилмоқда.

Колхоз бозоридаги нархлар ўтган йили 1988 йилга нисбатан 7 фоиз кўтарилди.

Уй-жой ва социал-маданий соҳанинг бошқа объектлари қурилишига 60 миллиард сўмга яқин, яъни, 1988 йилга нисбатан 6 фоиз кўп капитал маблағ сарфланди. Халқ хўжалигидаги инвестицияларнинг умумий ҳажмида бу маблағларнинг улуши 1988 йилдаги 25 фоиз ўрнига 27 фоизни ташкил этди. Бултур жами саҳни 128,1 миллион квадрат метр келадиган 2,2 миллионта квартира қурилди. Шу беш йиллик мобайнида биринчи марта умуман мамлакат бўйича уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Аввалги йилга нисбатан 4,3 миллион квадрат метр камроқ уй-жой бинолари фойдаланиш учун топширилди.

Касалхона муассасаларидаги ўринлар йил давомида 64 мингта кўпайди, ҳар сменада 267 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Диагностика марказлари тармоғи кенгайди. СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида вирусни аниқлаш учун қон текширадиган 800 тадан кўпроқ лаборатория очилди.

Мамлакатда 2,5 миллионта жиноят қайд этилди, бу эса аввалги йилга нисбатан 32 фоиз кўп. Ҳар етти жиноятнинг бири оғир жиноят бўлди, ҳар уч жиноятнинг бири очилмай қолмоқда. Жиноятчилик ҳамма жойда кўпайди. Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Молдавия, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаларнинг бир қанча регионларида оммавий тартибсизликлар, жумладан ур-йиқитлар, вайронгарчиликлар, ўт қўйишлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар содир бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ҳаммаси бўлиб (шу жумладан ўрмон хўжалигига) 12 миллиард сўмдан кўпроқ харажат қилинди, шунинг 3 миллиард сўмдан ортиғи давлат капитал маблағларидир. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига хизмат қиладиган бир қанча йирик объектлар ишга туширилди. Шу билан бирга ўтказилган тадбирлар ҳамма ерда экология вазиятини яхшилашни таъминламади.

Ўтган йили фан-техника программаларини бажариш, ресурс тежалишини таъминлаш тадбирлари амалга оширилди. Физика, химия, биология, медицина соҳаларидаги 15 та илмий кашфиёт, 85 мингта ихтиро давлат рўйхатларида қайд этилди. Саноатда маҳсулотларнинг 4,4 мингта янги тури ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарилла бошланди.

Фан ва техникани ривожлантириш юзасидан 1989 йилги давлат буюртмаси 86 фоиз бажарилди. Ресурс тежалишида бурилиш рўй бермади.

Саноатда давлат буюртмасига ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятлар 98,6 фоиз бажарилди. Истеъмолчиларга 10,6 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Ҳар беш бирлашма ва корхонанинг бири шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламади.

1989 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1,7 фоизни ташкил этди, бир кеча-кундузда ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш 2,2 фоиз кўпайди. Ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг етарли эмаслиги асосан 1989 йилнинг иккинчи ярмида саноат қониқарсиз ишлаганлигининг оқибати бўлди.

«Саноат «Б» группаси маҳсулотининг кўпайиш суръатлари «А» группаси маҳсулотларидан анча ошганлиги ўтган йилнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу нарса иқтисодиётнинг ижтимоий соҳа томон бурилишини акс эттиради. Умуман йил давомида «Б» группасининг маҳсулоти 4,8 фоиз, «А» группасининг маҳсулоти 0,7 фоиз кўпайди.

Ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 3,1 фоиз кўпайди. Саноат маҳсулоти кўпайишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ва ходимларнинг мутлақ сонини қисқартириш йўли билан таъминланди.

Улгуржи савдо ҳажми 1988 йилга нисбатан қарийб уч ҳисса ошди. Маҳсулотлар группаларининг 8 мингга яқин тури эркин савдога чиқарилди.

Янги корхоналар ва объектларнинг қувватларидан фойдаланишда ҳали ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Агросаноат комплекси маҳсулотининг жами ҳажми (таққослама нархларда) 475 миллиард сўмликни ташкил этди ва 1988 йилга нисбатан 1,9 фоиз кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини режалаштирилган миқдорда кўпайтиришга эришилмади. 1989 йилга мўлжалланган пландаги 6,6 фоиз ўрнига унинг ҳажми бир йил ичида атиги бир фоиз кўпайди. Умуман беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ялпи маҳсулот ҳажми шундан аввалги беш йилликка нисбатан шу давр учун беш йиллик планда белгиланган режалардаги 12,9 фоиз ўрнига 9,8 фоиз кўпайди. Жамоат қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги йил давомида 5 фоиз ошиб, ишловчилар сони 0,7 миллион киши камайди. 1989 йилда колхоз ва совхозларда 45 миллиард сўмдан кўпроқ фойда олинди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 31 фоизни ташкил этди. Зарар кўрувчи хўжаликлар камайди.

1989 йилда мамлакатда дон, картошка, кунгабоқар етиштириш кўпайди, қанд лавлагидан мўл ҳосил олинди. Шу билан бирга сабзавот, узум ва пахта 1988 йилга нисбатан камроқ олинди. Давлат омборларига 59 миллион тонна, яъни давлат буюртмасида кўзда тутилганидан 27,3 миллион тонна камроқ дон топширилди.

1989 йилда умумиттифоқ фондига гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш плани 95 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш плани 99 фоиз бажарилди.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан салкам 67 миллиард сўм ёки халқ хўжалигидаги жами капитал маблағлар ҳажмининг 31 фоизи ишлатилди.

1989 йилда умуман халқ хўжалигида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 219,4 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, 189,1 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Капитал қурилишни пул билан таъминлаш учун давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида корхона ва ташкилотлар ўз маблағларининг улуши 1988 йилдаги 40 фоиздан 49 фоизга етди. Мавжуд ишлаб чиқариш аппаратини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга давлатнинг 50,8 миллиард сўм капитал маблағи сарфланди (ҳамма маблағларнинг ярмига яқини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ишлатилди), бу шундан аввалги йилдагига нисбатан 3 фоиз кўпдир.

Бироқ давлат капитал маблағлари ҳисобидан (корхона ва ташкилотлар планлари йиғиндисига кўра) асосий фондларни ишга тушириш йиллик топшириғи 92 фоиз бажарилди. Энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режаси бажарилмай қолди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 108,7 миллиард сўмликни ёки планнинг 99,2 фоизини, ишга туширилган объектларда 46,9 миллиард сўмлик ёки 98 фоизни ташкил этди.

Қурилиш жабҳасини чеклашга оид чораларни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади. Қурилиш муддатлари нормативларидан ҳамон икки ҳиссадан кўпроқ ортиқдир.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари 191,6 миллиард сўм капитал маблағни ёки лимитнинг 99,1 фоизини ўзлаштирди. Аввалги йилга нисбатан давлат капитал маблағларининг ҳажми 1,6 фоиз кўпайди. Умуман халқ хўжалигида фойдаланилган давлат капитал маблағининг ҳажми ишга туширилган асосий фондлардан анча кўп — 27,6 миллиард сўм ошди, бу эса чала қолган қурилишларнинг кўпайишига олиб келди.

Юкларни темир йўл транспорти орқали жўнатиш учун берилган давлат буюртмаси 16,8 миллион тонна миқдорида (0,7 фоиз) бажарилмай қолди.

Транспортнинг пассажир обороти аввалги йилга нисбатан бир фоиз ошиб, 1128 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Темир йўл транспорти планни 98,6 фоиз, авиация транспорти 104,5 фоиз бажарди. 1989 йилда умумий фойдаланишдаги транспортда 55,2 миллиард пассажир жўнатилди. Пассажирларни ташиш сифати яхшиланмади.

Ўтган йили ташқи савдо обороти 4,7 фоиз кўпайди. Мамлакатнинг чет элларга маҳсулот юборишни 68,2 миллиард сўмликни ташкил этиб, 1988 йилга нисбатан 1,1 миллиард сўмлик ёки 1,7 фоиз кўпайди. Чет эллардан, 70,2 миллиард сўмлик ёки 1988 йилга нисбатан 7,9 фоиз кўп мол олинди.

1989 йилда савдо баланси 2 миллиард сўм салбий қолдиқ билан якунланди.

Чет элларга маҳсулот чиқариш йиллик плани 98 фоиз, эркин алмаштириладиган валюта ҳисобига — 91 фоиз бажарилди. Чет эллардан маҳсулот олиш йиллик плани 99 фоиз бажарилди. 1989 йилда чет эллардан машина ва ускуналар харид қилиш аввалги йилга нисбатан деярли кўпаймади, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шундай маҳсулотлар учун ҳом ашё келтириш кўпайди.

СССР территориясида 1274 та қўшма корхона қайд этилди. Уларни барпо этишда 60 та мамлакатнинг фирма ва ташкилотлари иштирок этди.

СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат планидан ва СССР Давлат бюджетидан, СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар барча меҳнат коллективлари ишининг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Фақат виждонан қилинган, серунум меҳнатгина 1990 йилги тиғиз топшириқлар муваффақиятли бажарилишининг гарови бўлиши ва ўн учинчи беш йилликда мамлакатни самарали ривожлантириш учун моддий шарт-шароит яратиб бериши мумкин.

(ТАСС).

КОМСОМОЛ ТАҚДИРИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

Тошкент вилоят XXI комсомол конференциясидан

Илгари хабар берилганидек, 26—27 январда Тошкент вилоят XXV комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари вилоят комсомол комитети ҳисоботини ва комсомолда қайта қуришни янада чуқурлаштириш юзасидан вилоят комсомол ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Конференцияда вилоят комсомол комитети, вилоят комсомол ташкилоти тафтиш комиссиясининг янги составлари, ВЛКСМ XXI съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Носиров, Тошкент вилоят партия комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук, ВЛКСМ Марказий Комитети масъул ходими В. А. Кривошеев иштирок этдилар.

Вилоят комсомол комитетининг ҳисобот доклади олдиндан делегатларга тарқатилганлиги учун ҳам конференцияда ўқилмади. Вилоят комсомол комитетининг биринчи котиби И. Қ. Муртазоев ҳисобот доклади юзасидан қисқагина қириш сўзи билан чекланди. Тафтиш комиссияси доклади ҳам тинглангач, делегатлар музокарани бошлаб юборишди.

Ёшлар дилида анчагина гаплар йиғилиб қолган экан. Биринчи мажлисдаёқ 65 киши сўз сўраб президиумга хат йўллади. Комсомолнинг бугунги ҳолатидан ҳамма ташвишда. У ёшлар авангарди бўлиш ўрнига ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. ВЛКСМ аъзолигига қабул кескин камайиб кетди. Кейинги уч йил мобайнида 1196 та бошланғич ташкилотда, шу жумладан 52 та мактабда бирор киши ҳам комсомолга қабул қилинмади. Бунинг устига ҳисобот даврида 40 мингдан ортиқ комсомол ВЛКСМ билан алоқасини узиб қўйганлиги учун ҳисобдан чиқарилди. Оқибатда комсомол ташкилотлари сони 19 фоизга қисқарди.

Маълумки, ВЛКСМ XX съезди комсомол сафига қабул қилиш ҳуқуқини бошланғич ташкилотларга ишониб топширган эди. Лекин вилоят комсомол комитети сафларнинг қандай ўсаётганлигини мунтазам назорат қилмади. Назоратнинг бўшашиб кетганлиги оқибатида лоқайдлик пайдо бўлди. «Ҳар бир ёшнинг қалбига кириб борайлик» деган шиор муаллақ қолди. Шу боисдан ҳам комсомолдан ёшлар кўнгли совиди. Турли хил норасмий бирлашмаларни комсомолдан афзал кўра бошладилар.

Комсомол ҳаётидаги муаммолар ҳисобот- сайлов йиғилишларида жиддий муҳокама қилинса керак деб ўйлаган эдик. Лекин кўп жойларда комсомолларнинг фаоллиги етишмади, уюшмани соғломлаштириш юзасидан амалий таклифлар тушмади. Ёшларнинг лоқайдлиги ва сусткашлиги оқибатида А. Икромов, Фрунзе, Пискент ноҳияларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларини бошқа кунларга кўчиришга тўғри келди. Йиғилишларда 173 та комсомол комитетининг иши қониқарсиз деб топилди.

— Ёшлар билан суҳбат чоғида мен уларни синамоқ учун Қишки саройни олишда комсомоллардан неча киши иштирок этган деб савол бердим, — деди «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери В. Аббалянц. — Комсомоллардан бири ўн киши деса, бошқаси ўн беш киши деб жавоб берди. Мен уларнинг ўйламайнетмай берган жавобидан ажабландим. Ахир комсомол 1918 йилда ташкил этилган-ку. Наҳотки ўз тарихимизни билмасанглар, дедим аччиғланиб. Қаниқатан ҳам кўпгина ёшларни ўтмишимиз қизиқтирмай қўйган. Улар комсомол тарихини ҳам, шонли анъаналарни ҳам билмайдилар. Шунинг учун ҳам ёшлар ўртасида олиб борилаётган мафкуравий ишларни бир неча поғона юқори кўтаришимиз керак.

— Ёшларни тарбиялашда, халқимиз урф-одатларига умр бағишлашда, янгича анъаналарни тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевиденинг роли катта, — деди Ангрен шаҳар комсомол комитети бюросининг аъзоси А. Тарасов. — Лекин улар бу мавзуларни етарлича ёритмаяптилар. Москва ва Тошкент телекўрсатувлари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ёшларда «Комсомолец Узбекистана» газетасига бўлган қизиқиш тобора сусайиб бормоқда. Бу ҳақда ҳисобот докладида ҳам тўғри таъкидлаб ўтилган. Матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган материаллар мазмунини бойитиш керак. Шунда ёшлар нашрига ҳозиргидек ҳар уч комсомолнинг бири эмас, балки ҳамма йигит-қизлар обуна

бўлади. Менимча, вилоят ёшлар газетасини ташкил этиш вақти келди. У фақат вилоят комсомол комитетининг тарғиботчи органи бўлиб қолмай, айни пайтда йигит-қизлар ҳаётидаги энг муҳим муаммоларни муҳокама қилишда ёшларнинг минбари ҳам бўлиб қолар эди.

Тарбиявий ишларда комсомолнинг роли ҳақида Оққўрғон ғишт заводи ишчиси Ғ. Шарипов, Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесари Б. Нишонов ҳам гапирдилар.

— Корхонамизда 3 минг комсомол аъзоси, 5 мингдан ортиқ ёшлар меҳнат қилади, — деди Б. Нишонов. —Коллектив бешта мактаб ва битта ҳунар-техника билим юртига оталиқ ёрдами кўрсатаяпти. Агар шу билим юрти тўла комсомол ташкилоти ихтиёрига берилганида биз бошқача иш тутардик. Унга ўсмирларни жалб этишдан тортиб институтга йўлланма бериб олий маълумотли мутахассис қилишгача бўлган ҳамма ишларни ўз зиммамизга олардик. Лекин ҳозир бизда бундай ҳуқуқлар йўқ. Умуман қуйи ташкилотлар ҳуқуқини кенгайтириш масаласини ўйлаб кўриш керак. Бу соҳада касаба уюшма ташкилотларидан ўрнак олсак арзийди. Улар ҳозир катта ҳуқуқларга эгадирлар.

Конференцияда таъкидланганидек, ёшлар ҳақида махсус қонуннинг йўқлиги учун ҳам улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳалаб қила олмаяптилар. Ёшлар амалда ҳокиниятдан, сиёсатдан четда турибдилар. Бунга кўп жиҳатдан комсомол ташкилотларининг ўзлари ҳам айбдордирлар. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Совет депутатлигига номзодлар кўрсатиш пайтида улар ниҳоятда суст ҳаракат қилдилар. 13 та ноҳия ва шаҳар комсомол ташкилотларида раҳбар органларга комсомоллардан номзодлар кўрсатилмади. Комсомол комитетлари пленумларида фақат 43 кишининг номзоди кўрсатилди холос. Номзод кўрсатиш ҳуқуқидан атиги 15 та комсомол ташкилоти фойдаланди.

Бундан ташқари айрим партия ва совет ходимлари сайловларда иштирок этиш бўйича комсомоллар ҳуқуқини чеклашга ҳам уринмоқдалар. Ҳамза ноҳия комсомол комитети пленумида Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитети котиби Анатолий Томошенко депутатликка номзод этиб кўрсатилган эди. Лекин ноҳия сайлов комиссияси турли хил баҳоналарни рўкач қилиб уни рўйхатга олмади. Ёшлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлажак сессиясида жамоат ташкилотларининг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи ва тартиби бўйича аниқлик киритилади деб умид қилмоқдалар.

Ички уюшма фаолиятини такомиллаштириш хусусида конференцияда кўп таклифлар тушди. Делегатлар ВЛКСМ Марказий Комитетининг янги Уставни қабул қилиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватладилар.

— Айни пайтда биз ёшлар программасини ҳам ишлаб чиқишимиз керак, — деди Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи котиби Ж. Ҳакимов. — Уставдаги демократик централизм принциплари ҳақидаги фикрларга аниқлик киритмоқ лозим. Юқори органларнинг қарори, агар у демократик усулда қабул қилинсагина, қуйи ташкилотлар учун қонун бўлиши мумкин. Қарорларнинг қандай қабул қилиниши бизга яхши маълум. Уларнинг кўпчилиги ҳақида биз ВЛКСМ Марказий Комитети пленумлари олдидан хабардор бўламиз. Муҳокама қилишга, мушоҳада юритишга вақт бўлмайди. Аппарат қандай тайёрлаган бўлса, қарорлар пленумда шундайлигича қабул қилинаверади. Улар ҳаётдан узоқ бўлганлиги учун кейинчалик бажарилмай қолади. Шунинг учун ҳар бир қарор демократик асосда, кўпчиликнинг фикри инобатга олинган ҳолда қабул қилиниши керак.

Қарорни қабул қилишдаги юзакичиликни Тошкент Давлат дорилфунуни комсомол комитети котибининг ўринбосари А. Каримов ҳам танқид қилди.

— Олий ўқув юртлари шаҳарчасидаги ижтимоий аҳволни яхшилаш хусусида бир неча бор қарорлар қабул қилинган, — деди у.— Лекин қарорларнинг бирортаси ҳам бажарилмаяпти. Ахир шаҳарчада 33 минг студент яшаб ўқияпти. Уларнинг турмуши ниҳоятда оғир. Комсомол ташкилоти ҳуқуқлари эса чекланган. Мустақил бир ишни қилолмаймиз. Дарҳол юқоридан тазиқ бўлади. Эсимизда, бундан бир йилча муқаддам шаҳарчамизда ўзбек тили байрамини ўтказмоқчи бўлдик. Комсомол комитети студентларнинг ташаббускор гуруҳи билан биргаликда байрамга пухта ҳозирлик кўрди. Лекин бир кун қолганида руҳсатнома бекор қилинди. Шунда комсомол комитетининг студентлар олдидаги обрўси бир неча поғона тушиб кетгандек бўлди.

Сўзга чиққан Бўка ноҳия комсомол комитетининг котиби Ф. Умаров, Тошкент халқ хўжалиги институти комсомол комитети котиби Б. Мирбобоев, байналмилалчи-жангчи Б. Пўлатов, «Пискент» совхози сут соғувчиси С. Ғаниева ҳам комсомол ташкилотлари жанговарлигини оширишга, ички уюшма иш структурасини такомиллаштиришга, олиб борилаётган тарбиявий ишларни кучайтиришга кўмаклашувчи таклифларни баён этдилар.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда сайланган Тошкент вилоят комсомоли комитетининг ташкилий пленуми бўлди. И. Қ. Муртазоев вилоят комсомол комитетининг биринчи котиби, М. М. Мирҳўжаев вилоят комсомол комитетининг иккинчи котиби, Ш. И. Қосимов, А. Б. Файзиев, Л. Г. Насонова вилоят комсомол комитетининг котиблари этиб сайландилар.

Сайловдан сайловгача

ДЕПУТАТ ИШЧАН БЎЛСА...

ХАЛҚ депутатлари Телов қишлоқ Советининг ижроия комитети ўзининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида жуда муҳим масала — ўтган сайловлар даврида халқдан тушган наказларнинг бажарилишини муҳокама қилди. Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлар давомида қишлоқ меҳнаткашларидан 26 наказ олинган эди. Вилоят, ноҳия ва қишлоқ Советларининг депутатлари иштирокида сайловчиларнинг барча 26 наказлари бажарилди.

Ноҳия ва қишлоқ Советининг депутатлари халқ наказларининг бекаму-кўст бажарилиши учун ҳаракат қилдилар. Сайловдан-сайловгача ўтган вақт ичида Телов қишлоғида Ворошилов номли совхози «Оҳангарон» совхозининг маркази билан боғловчи Оҳангарон дарёсидаги улкан кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ҳар икки хўжаликни боғлайдиган олти километрдан ортиқ кўча асфальтланди, шунингдек, Телов, Тошариқ қишлоқларида ҳам тўрт километр узунликдаги йўл текисланиб, асфальт ётқизилди.

Ижроия комитет йиғилишида аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, одамларга уйлар қуриш учун янги ер участкалари ажратиб бериш, болалар боғчалари қуриш ишлари белгиланган муддатда бажарилганлиги ҳам қайд этилди. Санам қишлоғида қурилаётган чойхона-ошхона эртаниндан ўз хўрандаларини қабул қилади. Айритом аҳоли пунктида қурилган янги боғчада меҳнаткашларнинг 40 нафар болалари тарбияланмоқда. Ворошилов номли совхознинг 3-бўлимидан «Красний факел» пионер лагерига олиб чиқадиган катта транспорт йўли сифатли ремонт қилиниб, тоғликларни Оҳангарон, Телов, Олмалиқ билан боғлайдиган автобус қатнай бошлади.

Шовғоз қишлоғининг аҳолиси кўпдан бери тоза ичимлик сув йўқлигидан қийналиб юришарди. Қишлоқ Совети депутатларининг фаоллиги билан қишлоқ марказида янги сув қудуғи қазилиб тоза сув манбаи очилди.

Ўтган сайловлар пайтида жуда кўп сайловчилар янги уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида ўз депутатларидан ёрдам сўрашган эди. Халқнинг ана шу талабларини бажариш мақсадида қишлоқ Совети бўйича 50 дан ортиқ аҳолига ер участкалари ажратиб берилди. Натижада янги уйларга жуда ҳам муҳтож бўлган оддий ишчилардан Ширинбек Ортиқов, Абдукарим Маҳкамов, Ҳусан Ўролов сингари ишчилар янги уйлар қуриб олдилар. Аҳолига уй қуриш учун ер бериш давом этмоқда.

Тошариқ қишлоғидан бир группа сайловчилар ўз депутатларига мурожаат қилиб, қурилиш материаллари тайёрланадиган цехлар очиш масаласини кўтаришган эди. Ана шу талабларнинг ижроси сифатида Телов қишлоғида очилган тахта тилиш устахонаси ҳозир одамларнинг оғирини енгил қилмоқда. Қишлоқларда қурилиб, фойдаланишга топширилган новвойхоналар ҳам халқ наказлари ижросининг исботидир.

Халқ наказларининг бажарилиши масаласи ҳисобот даврида қишлоқ Советининг бир сессияси, ижрокомнинг уч йиғилишида муҳокама этилди. Сайловчилар наказининг бажарилишида депутатлардан Соғлом Болашов; Ҳошимжон Содиқов, Шунқор Умурзоқов, Аҳмадали Қурбонов, Абдужаббор Мамбетов, Абдулла Жўраев, Ҳолида Абдураимова, Сулаймон Тўлдибоев ва бошқаларнинг жуда катта хизматлари бўлди.

Бироқ ижроком йиғилишида шу нарса ҳам таъкидландики, сайловчиларнинг наказларини бажаришда ҳамма депутатлар ҳам сидқидилдан иштирок этмадилар. Айрим қишлоқ депутатлари эса ҳатто ижроия комитет топшириқларини бажариш учун ҳам вақт тополмадилар. Ўтган сайловолди йиғилишларининг бирида Санам қишлоғидан бир аёл сайловчи сўзга чиқиб, дала шийпонларида аёл ишчиларнинг дам олиши учун намунали шароит бўлиши, болалар боғчаларидаги, айниқса, учинчи бўлимдаги болалар боғчасининг аҳволини янада яхшилаш, уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақида куюниб гапирган эди. Яқинда ўша аёлнинг сўзлари бўйича текшириш ўтказганимизда у айтган нуқсонлар деярли тақрорланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Балки эндиги сайланадиган халқ депутатлари ана шу масалаларга жиддий эътибор беришар...

Мўмин ҚАЮМОВ.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР, УМИД ВА РЕЖАЛАР

◆ СУРАТЛАРДА: бирлашманинг янги тиқув цехларидан бирида (чапда), каштачи Ҳури Шодмонова ҳориждан келтирилган болалар либосларига безак берувчи автоматлашган машинани бошқармоқда (ўртада), операторлардан Ф. Зуфарова ва Г. Пашчуклар иш устида. М. НУРИДДИНОВ суратлари.

МАҚСАД — ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШ

дейишмоқда «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ енгил саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланган «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи турғунлик даври асоратларини техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан тубдан йўқотиш юзасидан бошланган оммавий ҳаракатнинг олдинги сафида бормоқда. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки етмишинчи йиллар ва саксонинчи йилларнинг бошида иқтисодиётда ҳукм сурган лоқайдлик ёндашувидан коллектив катта зарар кўрди. Яъни техника воситаларининг эскилиги, асосий фондларнинг кўп жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, уларни янгилашга бўлган интилишнинг турли маъмурий-буйруқбозлик ғовларига дуч келганлиги аҳволни янада мушкуллаштириб юборган эди.

Оқибатда маҳсулот — турли эркаклар, хотин-қизлар болалар пальтоларининг янги, замонавий фасондагиларини тикишни йўлга қўйишда айтарлик силжиш бўлмади. Бўлгани ҳам ниҳоятда кам эди. Натижада бу ерда тикилган кийимлар аввалги харидоргирлигини йўқотиб, ҳатто магазин ва омборларда ётиб қола бошлади. Бундай аҳволнинг олдини олиш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Уни ҳал қилиш керак эди, пайсалга солиш мумкин эмасди. Акс ҳолда корхона оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолиши турган гап эди.

Шундай экан, нима қилмоқ керак? Халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши, ҳар бир меҳнат коллективи мустақиллигининг кучайиши, ҳатто уларга хорижий мамлакатлар фирмалари билан ҳам илғор ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳуқуқининг берилиши айни муддао бўлди. Чеварлар бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш йўлларини қидира бошладилар. Маҳсулот сифатини, қиймлилигини яхшилаш, харидорбоплигини кучайтириш ва иложи бўлса тайёр кийимларни чет элларга экспорт қилишга эришишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган коллектив жаҳонда тарқиб топган энг замонавий тикувчилик технологиясини ўрганишга бел боғлади. Қатор мамлакатларнинг бу соҳада қўлланаётган илғор техника ва иш усуллари билан яқиндан танишилди.

Ниҳоят шундай хорижий фирма топилди. У ҳам бўлса Франциядаги «Клёкнер Ина» фирмаси эди. Орадан кўп ўтмай икки ўртада ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар бошланди ва у муваффақиятли ниҳоясига етказилди. 1987 йилнинг март ойида шу фирма билан шартнома тузилди. Унга бирлашмани ишлаб чиқаришини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли туркум техникавий тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди. Ҳаммаси бўлиб етти миллион сўмлик ишни бажаришга келишилди. Шунга мувофиқ иккита тикув цехини барпо этишга киришилди. Ularда илғор тикувчилик технологияси жорий қилинди. Барча сермашаққат ва мураккаб жараёнлар — моделлаштириш, бичиш, болалар пальтоларига бадиий кашта тикиш, пардозлаш автоматлашган машина-механизмларда бажариладиган бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни қайта қуриш ишларини амалга ошириш давомида бирлашманинг бирорта бўлинмаси ҳам тўхтатилмади. Уларнинг ҳаммаси оддий кунлардаги каби ишлаб турди, маҳсулот беришда узилишга йўл қўймади. Натижада буюртмалар бир маромда бажарилиб турди, мижозлар билан биргаликда тузилган шартноманинг бузилишига деярли йўл қўйилмади. Бу ҳам коллективнинг реконструкция ишларига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрганлигидан далолат беради.

Бирлашма раҳбарлиги илғор технология ва иш усулларини жорий қилиш кўламини янада кенгайтириш резервларини ҳам аниқлашни бир кун ҳам тўхтатмади. Натижада ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидан яна тўрт миллион сўм ажратишга муваффақ бўлди. Ўрнатиладиган чет эл асбоб-ускуналаридан тезроқ фойдаланиш мақсадида ишчи, инженер-техник кадрлар тайёрлашга олдиндан киришилди. Бу ишда Франция фирмасининг кадрлар тайёрлаш бўйича мутахассиси технолог Аруд Аҳмад бошқош бўлди. У фирма ўрнатаётган автоматлашган асбоб-ускуналардан фойдаланиш сир-асрорларини қизилтонглик тикувчиларга батафсил ўргатди. Унга бирлашма ишлаб чиқариш-техника бўлими инженерлари Н. Ҳамроева, М. Мансуровлар яқиндан ёрдам беришди. Фирманинг қатор бошқа мутахассислари дастгоҳларни монтаж қилиш, созлаш, ишга туширишда фаол қатнашдилар.

Бирлашманинг янги ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечирсангиз бу ерда фақат Францияда эмас, қатор бошқа ҳорижий мамлакатларда тайёрланган асбоб-ускуналар, анжомлар, мосламалар ҳам борлигини кўрасиз. Чунки икки ўртадаги ҳамкорлик шартномасига мувофиқ французлик шериклар тикувчилик саноати техника воситаларини ривожлантириш соҳасида бошқа мамлакатларда эришилган ютуқларни ҳам қўлланиш мажбуриятини олишган эди. Улар шунга амал қилиб Швеция, Япония, Испания, Германия Федератив Республикаси ва АҚШ каби капитализм дунёсининг етакчи давлатларида яратилган дастгоҳларни ўрнатди. Улар орасида компьютерлар турли тикув машиналари, автоматлашган конвейер линиялари ва бошқа ҳар хил асбоб-ускуналар бор.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, илғор технологияни жорий қилишда бирлашманинг малакали мутахассислари ҳам фаол қатнашдилар, айтиш мумкинки, бу мураккаб ишда жонбозлик кўрсатдилар. Бош механика бўлимидан Г. Моисеев, Т. Тўраевлар, бош инженер Ўринбосари К. Дик, бош энергетика, капитал қурилиш, ишлаб чиқариш-техника ва бошқа қатор бўлимларнинг ходимлари бу муҳим юмушга озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшдилар, зарур бўлса вақт билан ҳисоблашмай ишладилар. Фирма вакиллари, бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимларининг белгиланган графикка қатъий амал қилиб, биргаликдаги меҳнатлари тез орада ўзининг ажойиб меваларини бера бошлади.

Орадан салкам икки йил ўтгач корхонанинг иккинчи ва учинчи цехларини ускуналаш ишлари ниҳоясига етказилди ва дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Янги, замонавий модадаги баҳор, куз мавсумларида кийишга мўлжалланган аёллар пальтолари конвейердан тушди. Янги либоснинг модасини танлашга катта маъсулият билан ёндашилди. Бунда кенг жамоатчилик, модалар бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди. Француз фирмаси тикиш учун таклиф қилган бешта моделдан фақатгина биттаси танлаб олинди. 72-48 сонли бу модель — қундуз ёқали ва қиш мавсумида кийиладиган пальтони тикиш ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда қатор бошқа фасондаги эркаклар, хотин-қизлар, болалар пальтолари ҳам савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Улар пештахталарда ётиб қолмаяпти, дарҳол сотилиб кетмоқда. Бу либослар ўзининг хушбичимлилиги, кўркамлиги, замонавий моделдалиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Пальтоларнинг материали пишиқ-пухталиги, бачкана қўшимчалари йўқлиги, чокларининг силлиқлиги ва ҳаммага ярашиб туришини айтмаса ҳам бўлади. Уни харид қилган каттаю кичик ҳамма мамнунлигини изҳор этади.

— Янги технология ва техника воситалари, жаҳон тикувчилик саноатида қўлланилаётган илғор усулларининг жорий қилиниши коллективимиз учун анчага тушди, ҳаммаси бўлиб ўн бир миллион сўм сарфланди, — дейди бирлашма бош директори Расул Содиқов. — Биз қилинган бу ҳаражатни тезроқ қоплаб олишимиз керак. Бу асосий вазифамиздир. Унинг ўрнини узоғи билан беш йилда тўлдиришни режалаштириб қўйдик. Шундан кейин у фойдага қолади. Яна бир мақсадимиз «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси маркаси туширилган пальтоларни жаҳон бозорига олиб чиқишга эришишдир. Шунга эришсак, айни муддао бўларди. Чет эл валютасини топиш имкони вужудга келарди. Бундай маблағ ҳисобига ҳориждан илғор технология, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олардик. Бу билан корхонамиз ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш учун янги имкониятлар вужудга келарди. Ҳозирги вақтда шеригимиз «Клёкнер Ина» фирмаси ёрдами ва кафолати билан маълум бир фоиз маҳсулотни ташқи савдога чиқариб сотиш ҳақида музокаралар олиб бормоқдамиз.

Бирлашма чеварлари ўтган хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Барча буюртмалар тўла бажарилди. Маҳсулот турлари бўйича топшириқлар ҳам уддаланди. Савдо шохобчаларига етказиб берилган жами саноат маҳсулоти ҳажми бир юз йигирма етти ярим миллион сўмликдан ҳам кўпроқни ташкил этди. Бу планда белгиланганидан анча ортиқдир.

Коллективнинг бу йил учун белгиланган меҳнат марраси янада юксак. Чеварлар бир юз ўттиз миллион сўмлик кийимкечаклар тикишни мўлжаллаб қўйдилар. Уларга меҳнатлари бу йил ҳам ҳар қачонгидек самарали, энг муҳими қўлларидан чиқаётган пальтолар янада сифатли ва хушбичим бўлишига тилакдошмиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
М. НУРИДДИНОВ.

Социал масалалар бўлимида: долзарб мавзу

КОМИССИЯ ҲАҚИҚАТНИ АЙТАДИ

Т. Х. ГДЛЯН РАҲБАРЛИГИДАГИ ТЕРГОВ ГРУППАСИ ФАОЛИЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ ДЕПУТАТЛИК КОМИССИЯСИНИНГ ҲАМРАИСИ, СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ В. А. ЯРИН БИЛАН СУҲБАТ

— Веннамин Александрович, ўтган танишдингиз, тергов группаси фаолиятига нисбатан фикрингиз ўзгардими, йўқми!

— Маълумки, Комиссия СССР халқ депутатларининг биринчи Съездида тузилди. Комиссия 16 кишидан иборат, Рой Александрович Медведев Комиссия раиси этиб сайланган. Ўтган йилнинг октябрь ойидан комиссияга Струков ва мен ҳамраислик қилмоқдамиз.

Комиссияни тузишга жиддий асослар бор эди. 1983 — 1986 йилларда кенг жамоатчилик Гдлян бошчилигидаги группа фаолиятидан хабарсиз эди. 1987 йилдан бошлаб эса оммавий ахборот воситалари бу группа фаолиятига кенг ўрин бера бошлади. Аввал Гдлян, сўнг Ивановнинг матбуотда ва телевидениеда чиқишлари уюштирилди. Тергов даврида кўлга киритилган пуллар, бебаҳо ҳазиналар жамоатчиликнинг эътиборини торта бошлади. 1988 йилнинг ўрталарида уларнинг номи Иттифоқимизда машҳур бўлиб кетди. Сўнгра эса терговлар, суд мажлислари, турли йиғинларда шов-шувга сабаб бўладиган фактлар халқда икки хил фикр уйғотди. Комиссия ана шу фикрларни ойдинлаштириш, ҳақиқатни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

— Кўпи кеча Гдлянга ҳамду санолар ўқилган эди, бугун у бошчилигидаги тергов группасининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ҳақида- ёзилмоқда. Комиссия тузилганига олти ойдан ошди, шу давр мобайнида комиссия аъзолари Ўзбекистонга ақалли бир марта келиб, ноҳақ қамалиб озод этилган жабрдийдалар, гувоҳлар билан суҳбатлашдимми!

— Ҳақиқатан ҳам Комиссия Москвада кўп ишлаб қолди, бунга албатта маълум сабаблар бор. Ўтган даврда терговчилар Гдлян, Иванов фаолияти билан боғлиқ юзлаб ҳужжатлар билан танишишга тўғри келди, бу ҳужжатларнинг кўпи Москвада эди.

Бугунги кунга келиб республикада порахўрлик, давлат маблағларини ўзлаштириш сингари воқеалар бўлмаганди деб ҳеч ким айта олмаса керак. Мамлакатимизда уюшган жиноятчилик бор. Мазкур жиноятчиликка қарши қандай курашиш лозим? Бу ерда мен ҳалолликни назарда тутаяпман. Бу борада Гдлян бошчилигидаги терговчилар группаси ўзларини ёмон томондан кўрсатдилар. Комиссиянинг топшириғига биноан бугун Ўзбекистонда жуда катта экспертлар группаси ишлаяпти. Бу ишда СССР прокуратураси ҳам қатнашиши керак, бироқ прокуратура ҳали бу ишда сусткашлик қиляпти.

Николай Алексеевич Струков, Валерий Григорьевич Александрин, Владимир Тўйчиевич Одилов ва бошқа кишилардан иборат Комиссия аъзолари Ўзбекистонда икки ҳафта ишладилар. Жумҳуриятнинг кўплаб вилоят, ноҳияларида бўлдик, юзлаб кишилар билан суҳбатлашдик. Халқ биздан жавоб кутаяпти, ҳақиқатни кутяпти. Мен учун фуқаро Гдлян ҳам, фуқаро Лигачев ҳам барибир, мени уларнинг мансаблари қизиқтирмайди, мен учун виждон, қонун бор, мен фақат ҳақиқатни тан оламан.

Бизнинг Комиссия аъзолари икки марта — бу ерга биринчи келган кунимиз ва республика сафаридан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов билан суҳбатда бўлдилар. Узоқ суҳбатлашдик. Шунингдек жумҳурият Ички ишлар министрлиги, Давлат хавфсизлик комитети, кўплаб давлат ва партия вакиллари билан бўлган суҳбатларимиз ҳам жуда самимий ўтди. Кези келганда газета орқали уларга миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман. Биз қайси вилоят, ноҳияга бормайлик, ишлаш учун кенг шароитлар яратиб берган раҳбарларга ҳам ташаккур айтаман.

Яқин орада бўладиган СССР халқ депутатларининг навбатдаги сессиясида Комиссиянинг хулосаларини айтамиз.

— Веннамин Александрович, СССР Халқ депутатларининг биринчи Съездида Сиз Гдлян бошчилигидаги тергов группаси ишини ёқлаган эдингиз. Мана энди Ўзбекистонга келдингиз, одамлар билан учрашдингиз, ҳақиқий аҳвол бир ўтган 1989 йил август ойида ГДРнинг Эрфурт шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай кўргазмада ҳам деҳқонларимиз маҳсулоти юқори баҳоланди. Кўргазма якунига кўра «Оқ уруғ», «Кўк — тинни» навли сершира қовун навлари, «Тошкент туҳфаси» навли ширин қалампирларимиз кўргазманинг Олтин медали билан мукофотланди.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
Сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

— Юқорида айтганимдек, 1988 йилнинг ярмидан бошлаб оммавий ахборот воситаларида айниқса, Болтиқбўйи, ёшлар нашрларида, йиғинларда тергов группаси раҳбарлари ва аъзоларининг чиқишлари оммавий тус олди. Бутун совет халқи, шахсан мен ҳам уларнинг нутқларини эшитиб карахт бўлгандим. Бу катта хато эди. Ҳозир жуда кўп ҳақиқатни билаяпмиз. Тергов группасининг жиноятларни очишдаги ишларига нисбатан шахсан менинг муносабатим ўзгарди. Бугун мен ушбу группа аъзоларининг катта қонунбузарликларга йўл қўйганликларини очиқ айтаман, бу камчиликларни бизнинг Комиссия аниқлади. Кишилар билан суҳбатлашаётганда уларнинг кўзларига тик боқиш, уятли эди.

— «Ўзбеклар иши» деган иборага муносабатингиз!

— Ўзбеклар бутун Совет Иттифоқининг миннатдорчилигига муносиб меҳнаткаш халқ. Икки ҳафтада кўп жойларга боришга, танишишга улгурдик. Хусусан Қорақалпоғистон автоном вилоятида ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, татар миллати вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилаяптилар. «Ўзбеклар иши» иборасининг нотўғрилигини қатъий айтаман. Нотиқлар минбарда туриб ушбу иборани қўллаши уларнинг сиёсий маданияти пастлигидан дарак беради. Мен уларни сиёсий онгсиз одамлар деб айтаман.

— Веннамин Александрович, юзлаб одамлар билан суҳбатлашганингизни айтиб ўтдингиз. Сир бўлмаса, бу суҳбатлар мавзуи нималардан иборат бўлди!

— Бу ҳақда маълумот бераолмайман, аввал Комиссияга бориб ҳисобот беришим керак. Суҳбатларда тергов группасининг ноқонуний хатти-ҳаракати тўғрисида юқори органларга кўплаб шикоятлар ёзилгани, улар ҳамон жавобсиз қолиб келаётганини айтишди. Маълумки, бу группа иши тўғрисидаги дастлабки шикоят хати Москвага 1983 йилда жўнатилган эди. Борабора уларнинг сони кўпайди. Биз ушбу қисқа муддатда хат муаллифлари билан учрашдик. Шуни таъкидлашим керакки, хатда келтирилган ҳар бир воқеани текшириш Комиссиянинг фаолиятига кирмайди, бу тергов органларининг иши.

— Юртимизга ўт кетганда ҳўлу-қуруқ баробар ёнди. Ёнғин тингач, ноҳақ қамалганлар озод этила бошлади. Уларга келтирилган маънавий зарар қандай қопланиши керак, шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим.

— Менимча бу партия ташкилотларининг иши. Жумҳурият Марказий Комитетида ҳам бу ҳақда суҳбатлашдик. Менимча ноҳақ қамалганларни партияга, ишига тиклаш юзасидан сиёсий Комиссия тузиш керак.

— Илгари республикамизда бўлганмидингиз! Умуман Ўзбекистон ҳақида таассуротларингиз!

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим эмас, ўғлим Қорақалпоғистонда Совет Армияси сафида хизмат қилган. Ўзбек халқи меҳнаткаш, меҳмоннавоз, давлат ва унинг қонунларини ҳурмат қилувчи ва унга ишонувчи халқ. Эркагу аёл, ёшу қари, катта-ю кичик билан суҳбатлашдик. Учрашувларнинг енгил кўчмаганлигини айтишим керак, айниқса эркакларнинг кўз ёшини кўриш оғир бўлди. Одамлар улардан олиб қўйган молмулкни қачон қайтариб беришаркин деб талаб қилмаяптилар, улар мени қачон партия сафига тиклашади деб сўраяптилар. Мен Иркутск қамоқларида ўтириб, партия билетини яшириб сақлаган, қамоқдан озод этилгач, аъзолик бадалини тўлиқ тўлаган одам билан суҳбатда бўлдим. Кейинги пайтда партиянинг обрўйи қолмаяпти деган гаплар бўляпти. Ҳаётда нималар бўлмайди, муваффақиятлар ҳам хатолар ҳам, машъум кунлар ҳам. Ҳозир эса у ҳақиқатни айтишдан чўчимаяпти.

Комиссиямиз СССР Халқ депутатлари Съезди белгилаб берган вазифалар билан шуғулланмоқда, бизга катта ҳуқуқлар берилган. Совет халқи биздан кўп саволларга жавоб кутаяпти. Яқин келгусида, бу саволларга жавоб берамиз.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири А. ҒУЛОМОВ олиб борди.

ШУМИЛИНДА ҚОЛГАН ҚАБРЛАР

Витебск областининг Шумилин (1961 йилнинг 23 ноябрига қадар Сиротинск райони, деб аталган) районида ўнлаб қардошлик мозорлари бор. Биргина райондаги Двопише қишлоғидаги қардошлик мозорида 1 минг 600 дан ортиқ совет жангчиси мангу уйқуда ётибди. Улар орасида тошкентлик ўнлаб жангчилар ҳам бор. Балки уларнинг қариндошуруғлари ўз жигарбандларининг қаерда жанг қилганини, қачон мардларча ҳалок бўлганини ва қабри қаердалигини билмас. Ана шуларни ҳисобга олиб, қабрлари Шумилин районида қолган, Белоруссияни озод қилиш учун жонини фидо қилган тошкентлик жангчиларнинг исм-шарифларини эълон қилишни лозим топдик.

ШОДМОНОВ Малик — туғилган йили номаълум. Ўрта Чирчиқ районида яшаган. «18742» дала почтасига қарашли бўлинма оддий жангчиси бўлган. 1944 йилнинг 3 февралида ҳалок бўлган. Ровное қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

ГРИЦАЙ Павел Федосеевич — туғилган йили номаълум. Янгийўл районидан «14989» дала почтасига қарашли бўлинма оддий жангчиси бўлган. 1944 йилнинг 28 июнида ҳалок бўлган. Ставица қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

ГРИНБЕРГ Михаил Майорович — 1921 йилда туғилган. Тошкент шаҳрининг Сталин район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. Оддий солдат. Ҳоки Ловша станциясидаги қабристонга дафн этилган.

ЧЕРНЯЕВ Александр Николаевич — 1925 йилда туғилган. Тошкент шаҳрининг Фрунзе район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. Сержант. Ҳоки Ловша станциясидаги қабристонга дафн этилган.

ЕҚУБОВ Собир — туғилган йили номаълум. Янгийўл районидан «29586» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 16 июлида Мазури қишлоғида ҳалок бўлган. Мишневичи қишлоғи қабристонига дафн этилган.

МИЛЯКОВ Михаил Никифирович — туғилган йили номаълум. Тошкентлик. Оддий солдат. 1944 йилнинг 23 июнида Буболи қишлоғида ҳалок бўлган. Ҳоки Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ҒУЛОМОВ Абдул Сулаймонович — 1920 йилда туғилган. Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариатидан 1939 йилда хизматга чақирилган. Капитан. 1944 йилнинг 26 июнида Оболь станциясида ҳалок бўлган. Ҳоки Оболь посёлкасидаги қабристонга дафн этилган.

КРАСИК Григорий Семёнович — туғилган йили номаълум. Тошкент шаҳридан. Сержант. 1944 йилнинг 26 июнида I-Пливговки қишлоғида ҳалок бўлган. Оболь станциясидаги қабристонга дафн этилган.

ТОШМАТОВ Расул — туғилган йили номаълум. Калинин районининг Охунбобоев қишлоқ Совети территориясида яшаган. «28079» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1943 йилнинг 1 декабрида Барсуки қишлоғида ҳалок бўлган. Оболь посёлкасидаги қабристонга дафн этилган.

БОРДИЕВ Экран (балки **БЕРДИЕВ Эркиндир**) — 1925 йилда туғилган. Тошкентлик. Оддий солдат. 1944 йилнинг 3 февралида Дворише қишлоғида ҳалок бўлган ва шу қишлоқдаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ГОЛИКОВ Иван Никитович — 1898 йилда туғилган. Винница областидан. Тошкент шаҳрининг Октябрь район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. Оддий солдат. 1944 йилнинг 3 февралида Жеребичи қишлоғида ҳалок бўлган. Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ДАВРАПОВ Мамадали (балки Давроновдир) — туғилган йили номаълум. Ўрта Чирчиқ районида яшаган. «11078» дала почтасига қарашли бўлинма оддий жангчиси бўлган. 1944 йилнинг 1 февралида Чисти қишлоғида ҳалок бўлган. Ҳоки Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ЕРМОЛОВ Яков Григорьевич — туғилган йили номаълум. Оддий солдат. 1944 йилнинг 31 январида Дворише қишлоғида ҳалок бўлган ва шу қишлоқдаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ОГАРКОВ Алексей Кузьмин — туғилган йили номаълум. Тошкент шаҳар, Фрунзе район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. «53753» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати. 1944 йилнинг 14 февралида Пухи қишлоғида ҳалок бўлган.

ҲАЙДАРОВ Ҳусан — туғилган йили номаълум. Ўрта Чирчиқ районида яшаган. «18742» дала почтасига қарашли бўлинма оддий жангчиси бўлган. 1944 йилнинг 3 февралида ҳалок бўлган. Ровное қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

БОРДИЕВ Экран (балки **БЕРДИЕВ Эркиндир**) — 1925 йилда туғилган. Тошкентлик. Оддий солдат. 1944 йилнинг 3 февралида Дворише қишлоғида ҳалок бўлган ва шу қишлоқдаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ГОЛИКОВ Иван Никитович — 1898 йилда туғилган. Винница областидан. Тошкент шаҳрининг Октябрь район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. Оддий солдат. 1944 йилнинг 3 февралида Жеребичи қишлоғида ҳалок бўлган. Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ДАВРАПОВ Мамадали (балки Давроновдир) — туғилган йили номаълум. Ўрта Чирчиқ районида яшаган. «11078» дала почтасига қарашли бўлинма оддий жангчиси бўлган. 1944 йилнинг 31 январида Дворише қишлоғида ҳалок бўлган ва шу қишлоқдаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ШАЙХИШРАМОВ Мирҳайдар (эҳтимол Шайхисломов Мирҳайдардир) — туғилган йили номаълум. Оққўрғон район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. «53753» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати. 1944 йилнинг 14 февралида Пухи қишлоғида ҳалок бўлган.

ОҒАРКОВ Алексей Кузьмин — туғилган йили номаълум. Тошкент шаҳар, Фрунзе район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. «53753» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 14 февралида Пухи қишлоғида ҳалок бўлган. Дворише қишлоғидаги қардошлик қабристонига дафн этилган.

БОЙМУРЗАЕВ Ҳусан Қосимович — туғилган йили номаълум. Урушга қадар Оржоникидзе районида яшаган 219-ўқчи полк сержанти бўлган. 1944 йилнинг 23 июнида Толстики қишлоғида ҳалок бўлган. Тропино қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

БОГДАНОВ Филипп Петрович — туғилган йили номаълум. Тошкент шаҳрида яшаган. 247-ўқчи полк оддий аскари. 1944 йилнинг 2 январида Ермакчи қишлоғида ҳалок бўлган. Тропино қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

ИМОМБОЕВ Туманбой — 1903 йилда туғилган. Янгийўл районидан. «62982» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 9 февралида Гребница қишлоғида ҳалок бўлган. Ҳоки Тропино қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

КОСИРОВ Александр Алексеевич — туғилган йили номаълум. Ангрен шаҳридан. «43912» дала почтасига қарашли бўлинмада хизмат қилган. 1944 йилнинг 15 февралида Ольшанко қишлоғида яраланиб, вафот этган. Тропино қишлоғи қабристонига дафн этилган.

ҚУРҒОНБОЕВ Мажнун — туғилган йили номаълум. Калинин район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. «29526» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 3 февралида Змоашенци қишлоғида ҳалок бўлган. Тропино қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.

УРАМБОЕВ Қурали (балки Ўринбоев Нуралидир) — туғилган йили номаълум. Чиноз районидан. 247-гвардиячи қирувчи полкнинг оддий аскари бўлган. 1944 йилнинг 3 январида Ермакчи қишлоғида ҳалок бўлган. Тропино қишлоғи қабристонига дафн этилган.

ХИСАМУТДИНОВ Шайхи — туғилган йили ва районининг кўрсатилмаган. 706-ўқчи полкда катта сержант бўлиб хизмат қилган. 1944 йилнинг 23 июнида Новая Веска қишлоғида ҳалок бўлган. Тропино қишлоғи қабристонига дафн этилган.

ИКРОМОВ Надиноиржон (балки Нажмиддиндир) — туғилган йили ва районининг кўрсатилмаган. Оддий солдат. 1944 йилнинг 26 июлида ҳалок бўлган. Ёзвино қишлоғи қабристонига дафн этилган.

РАСУЛОВ Жўра — туғилган йили ва районининг кўрсатилмаган. 169-гвардиячи ўқчи полкнинг оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 12 февралида ҳалок бўлган. Ёзвино қишлоғи қабристонига дафн этилган.

ПУРМАТОВ Нахит — Оддий солдат. 1944 йилнинг 4 февралида Жеребичи қишлоғида ҳалок бўлган. Ҳоки Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

ТОШЕВ Исеркеп — туғилган йили кўрсатилмаган. Калинин район ҳарбий комиссариатидан хизматга чақирилган. «53753» дала почтасига қарашли бўлинма оддий солдати бўлган. 1944 йилнинг 14 февралида Пухи қишлоғида ҳалок бўлган. Ҳоки Дворише қишлоғидаги қардошлик мозорига дафн этилган.

Юқорида номлари тилга олинган жангчиларнинг номлари қардошлик мозорларидаги мармар тошларга зарҳал ҳарфлар билан битилган.

И. НОРҚУВВАТОВ,
Минск олий партия мактаби тингловчиси, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

МЕДАЛЬ ОЛГАН ҚОВУНЛАР

ИНСТИТУТИМИЗ олимлари кўп йиллардан бери халқ фаровонлиги йўлида самарали изланишлар олиб бормоқдалар. Олимларимиз томонидан яратилган мазали, серҳосил ва витаминга бой янги навли сабзавот ва полиз маҳсулотлари нафақат иттифоқимизда ҳатто чет эллик мутахассисларнинг ҳам эътиборини қозонган.

Бельгия ҳамда Лаос республикаларида ўтказилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмасида жумҳуриятимизда яратилган помидорнинг салатбоп «Октябрь», «Ўзбекистон» навлари, ширин қалампирнинг «Тошкент туҳфаси», «Заря Востока», «Зумрад» каби навлари ҳамда «Аврора» навли бақлажон, шунингдек, «Оқ уруғ», «Кўкча», «Кўктинни», «Тўёна», «Тошлоқи» каби ширин-шакар қовунлар минг-минглаб томошабинлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ҳам қойил қолдирган эди.

Ўтган 1989 йил август ойида ГДРнинг Эрфурт шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай кўргазмада ҳам деҳқонларимиз маҳсулоти юқори баҳоланди. Кўргазма якунига кўра «Оқ уруғ», «Кўк — тинни» навли сершира қовун навлари, «Тошкент туҳфаси» навли ширин қалампирларимиз кўргазманинг Олтин медали билан мукофотланди.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
Сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

НОҲИЯдаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатида кийим-бошларни кимёвий йўл билан тозалаш хизмати таш кил этилди. Ф. Файзуллин бошқараётган мазкур цех ишчилари аҳолининг оғирини енгил қилишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу ерда ўрнатилган «Радуга-50» машинаси ёрдамида қабул қилиб олинган кийимлар сифатли тозаланиб, эгаларига белгиланган муддатда қайтариляпти.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Чиноз.

● КУНИ КЕЧА Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрида драматург А. Иброҳимовнинг «Пуч» асарини намойиш этиш билан жумҳурият театрларининг иккинчи фестивали очилди. Суратда: ана шу спектаклнинг режиссёри Р. Ҳамидов (чапда) актёрлардан Э. Малик-боева ва М. Ражабов билан

М. НАЗАРОВ сурати.

МУСИҚА УНИНГ ЖОНУ-ДИЛИ

Кечқурун оила аъзоларимиз билан телеэкран олдида жамулжам бўлганимизда қизиқ тортишув бўлади. Мен Ўзбекистон телевидениесининг программасини кўрайлик, десам турмуш ўртоғим марказий телевидение кўрсатувларини томоша қиламиз, дейди. Лекин баъзида Ўзбекистон телевидениесининг соат 20 дан 50 минут ўтганда бериладиган концертини биргалашиб томоша қиламиз. Ушанда беихтиёр «яхши концертлар кўрсатишса бўлар экан-ку», деб қўямиз. Аммо уни тайёрлаганлар ҳақида ўйламаймиз.

Яқинда кўрсатилган «Рақсларим умрим мазмуни» фильм-концертида раққоса Дилбар Юнусованинг санъати билан бирга унинг ижтимоий келиб чиқиши, оила аъзолари ҳақида ҳам ҳикоя қилинди. Концерт тугагач, постановкачи-режиссёр Қўзижон Ҳакимов эканлигини билдим.

Кейинги пайтда у тайёрлаган кўплаб мусиқали программаларни бажонудил томоша қиляпмиз.

Қўзижон ёшлигида отаси — «Ҳамза» театрининг артисти Рўзи Ҳакимовга эргашиб тез-тез спектакларга келиб турарди. Шунда актёрлар санъатини диққат билан кузатар, режиссёрнинг уларга нисбатан талабчанлигига қойил қоларди. Уша пайтда Қўзижон биринчи бор саҳнага чиқиб, «Жазоир — менинг ватаним» спектаклида Аҳмад образини яратди. Кейинроқ бу спектакль Москвада ҳам намойиш этилди.

1957 йил 7-синфни тамомлаб, қурувчилар тайёрловчи кечки билим юртига ўқишга кириб кундузи ишлади. Лекин санъатга бўлган иштиёқ уни тинч қўймасди. 1962 йил ўз қобилиятини синаб кўриш мақсадида Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ҳужжатларини топширди ва режиссёрлар тайёрловчи факультетга қабул қилинди. Институтни муваффақият билан тамомлагач, Сурхондарё мусиқали драма театрига ишга юборишди.

Ёш режиссёрнинг дастлабки саҳна асари Миркомил Миршароповнинг «Карвон ўтар, из қолар» спектакли бўлди. Саҳна асарининг муваффақиятли чиқишида ўқитувчиси — Горький номли рус Давлат академик драма театрининг артисти Ольга Черновонинг ўгитлари қўл келди. Кейинчалик Х. Азимовнинг «Тақдир», А. Қаҳҳорнинг «Аяжонларим», К. Яшиннинг «Гулсара», Н. Кимнинг «Вьетнам тонги», К. Шангитбоевнинг «Жон қизлар» сингари асарларини саҳналаштирди.

Қашқадарё область театри саҳнасига ҳам кўплаб ўзбек ва қардош халқлар драматурглари асарлари билан бирга чет эл муаллифлари асарларини олиб чиқди.

1970 йилда Москвада Горький номли кичик бадиий академик театрда СССР халқ артисти Олег Ефремов раҳбарлигида ўз малакасини оширди. У ердан қайтгач, «Алпомиш» асарини саҳналаштирди. Спектаклнинг юқори баҳоланишида унинг мамлакат пойтахтида ўрганган тажрибаси катта иш берди.

— Ўзим бирорта мусиқа асбобини чала олмайман, ҳатто рақсга тушишни ҳам билмайман, — дейди Қ. Ҳакимов. — Бироқ мусиқали кўрсатув, эшиттиришларни жуда севаман.

Шу туфайли ҳам у 1973 йил Ўзбекистон телевидениесининг мусиқали кўрсатувлар бош редакциясига ишга келди. Тез орада турли жанрларда кўрсатувлар тайёрлади. «8+1» деб номланган мусиқали дам олиш программаси орқали эстрада хонандалари санъатини элга танитди. Ундан ташқари Қ. Ҳакимов «Тонг билан учрашув», «Студиямиз меҳмонлари», «Совет Ўзбекистони композиторлари», «Ижодий учрашувлар», «Ўн икки учрашув» сингари кўплаб дам олиш кўрсатувларига режиссёрлик қилиш билан бирга сценарийни ҳам ўзи тайёрлади. Ана шу туркум кўрсатувлар кўп сонли телетомошабинлар эътиборини қозонди. Бу ҳақда редакция юзлаб мактублар олди.

Қўзижон Ҳакимов ўзбек мусиқа ва театр маданияти равнақини акс эттирувчи бир неча видеофильмларни ҳам суратга олган. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳамроқулов, Қизлархон Дўстмуҳамедова, М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССР Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли рақҳосалари ижодига бағишлаб яратилган видеофильмларни телетомошабинлар қизиқиб кутиб олишди.

1984 йил республиканинг 60 йиллиги муносабати билан Югославияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Ушанда у суратга олган «Санъат усталари» фильм-концерти намойиш этилди. Норвегияда эса республикамиз санъати ва ҳаётини акс эттирувчи «Менинг Ўзбекистоним» ҳужжатли фильми қизиқиш билан кутиб олинди.

—Шу кунларда қандай ишлар билан бандсиз? — сўрайман ундан.

—Куни кеча Наманганда қайтдим. Марказий телевидениенинг «Камалак» кўрсатуви учун Косонсойдаги атлас тўқиш фабрикаси чеварларининг меҳнати ва санъатини акс эттирувчи фильм тайёрлаяпман. Тез кунда у марказий телевидение орқали кўрсатилади. Бундан ташқари, «Таронахои Самарқанд» («Самарқанд тароналари») деб номланган бадиий ҳаваскорлик ансамбли ҳақида ҳикоя қилувчи концерт-кўрсатув ҳам тайёрладим.

—Кейинги режаларингиз қандай?

— Бадиий программалар бўйича бирлашма ташкил этиш ниятидаман. Иш биладиганларни бирлаштириб, томошабинларга маъқул бўладиган кўрсатувларни кўпроқ тайёрласак, дейман. Бунинг учун янги-янги усуллар ўйлаб топиш, ишга ижодий ёндошиш керак. Теленовеллаларни кўпайтирсак ёмон бўлмасди...

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси мусиқали кўрсатувлар редакциясининг бош режиссёри Қўзижон Ҳакимов самарали меҳнатлари эвазига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазовор бўлди. Бу унвон унга янада илҳом бахш этишига ишончимиз комил.

Р. УСМОНОВА.

АХБОРОТ
Хушхабарлар, янгиликлар

«ДАРД» МОСКВАДА

«Чехов кунлари» Бутуниттифоқ фестивали мамлакатнинг турли бурчакларидаги репертуарида буюк рус ёзувчиси асарлари асосида қўйилган спектакллар бўлган театр коллективларини Москвага тўпладди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бу ижодий кўрникка ёш коллективлардан бири — «Дард» театр-студиясини юборди Театр-студиянинг Чехов ҳикоялари асосида тайёрланган «Рождество тунида» спектакли фақат томошабинларнинг олқишини қозонибгина қолмай танқидчилар томонидан юқори баҳоланди. Бадиий раҳбар Наби Абдураҳмоновнинг режиссерлик иши ҳақида ҳам жуда яхши фикрлар билдирилди.

«Дард» театр-студияси ёш бўлишига қарамай ёрқин постановкалари билан ўзини кўрсатишга улгурди. Айтганча, театр-студия Тошкентда бўлиб ўтган актёрлар уйлари директорларининг Бутуниттифоқ семинарида тақдирланди. Тошкентлик артистлар ўз постановкаларини Львов шаҳрида кўрсатишга таклиф этилди. Уларнинг Россия Федерацияси бўйлаб гастроллари ҳам муваффақиятли ўтди. Ниҳоят улар пойтахтда ҳам тан олинди.

Афсуски, «Дард» аъзолари қадрдон шаҳарларида томошабинлар билан мулоқотда бўлишга жуда қийналишмоқда. Театрнинг шаҳар марказидан узоқда жойлашганлиги ҳам, ижодий изланишдан кўра коллективни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўйлашга мажбур этаётган хўжалик ҳисобининг қаттиқ шартлари ҳам, танқидчилар томонидан жиддий эътиборнинг йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

ТЕХНИКА ИЖОДИ КЛУБИ

◆ ТОШКЕНТДА ҳаваскор темир йўлчилар техника ижоди клуби ташкил этилди. Унинг техникавий негизи ҳали унча кучли эмас — ҳозирча токарлик, пармалаш ва чархлаш ускуналаридан пайвандлаш аппарати ва рўйхатдан чиқариб юборилган электрон қурилмасидан фойдаланишмоқда. Айни вақтда темир йўл рационализаторлари ва ихтирочилари амалга оширадиган режалар анча кўп. Ана шу ғояларни амалга ошириш учун маблағ ишлаб топишда хўжалик ҳисоби ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ҚИСҚА САТРЛАР

◆ ЎРТА ОСИЕ темир йўлида юк ва пассажир поездлари ҳаракатини кузатадиган диспетчерлар дисплейлардан фойдалана бошладилар. Диспетчерлар ана шу дисплейлар ёрдамида поезд составларининг ҳаракати тўғрисида йўл бошқармаси ҳисоблаш марказига келаётган хабарларни ўз вақтида оладилар.

◆ АНГРЕНДАГИ даволаш-жисмоний тарбия муолажа муассасаси янги бинога кўчиб ўтди. Бинокорлар бу иншоотни аниқ белгиланган муддатда ва аъло баҳо билан топширдилар. Бу ерда жисмоний тарбия билан даволаш ва турли хил машқлар ўтказиш учун мосланган заллар, уқалаш ва табиий усул билан муолажа қилиш хоналари ишлаб турибди. Шифокорлардан маслаҳат олиш ҳам мумкин. Шифохона бутун даҳа аҳолисига хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

Редакцияга хат

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

ТОШКЕНТ шаҳрининг асосан ўзбеклар истиқомат қилувчи Эски шаҳар қисмида жойлашган А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг тарихи узоқ. Археологик манбаларга қараганда, шаҳарнинг биринчи девори боғ майдонидан ўтган бўлиб, қадимда греклар, мўғуллар, эрониклар ва араблар билан шаҳар учун кескин жанглар бўлиб ўтган. Шунинг учун ҳам «Жанггоҳ» ва «Жангоб» деб аталган. Кейинчалик эса йигитлар ўртасида ҳар хил куч синаш мусобақалари ўтказиладиган жойга айланган.

Боғ 1932—1938 йилларда А. Икромов, 1938—1940 йилларда Ежов номи билан аталган. 1940 йилда эса атоқли рус шоири А. С. Пушкин номи берилган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, жумҳуриятимиздаги мавжуд 130 та маданият ва истироҳат боғларидан 20 га яқини А. С. Пушкин номи билан юритилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, боғимизга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти ўзбеклар бўлганидан, боғ атрофидаги — Собир Раҳимов ва Октябрь ноҳиясидаги маҳаллалар қўмиталарининг илтимосларини инобатга олиб, А. С. Пушкин боғини Абдулла Қодирий номига ўзгартиришни илтимос қилардик.

Боғнинг биринчи директори Ваҳоб комиссар деган кишининг айтишича: — Ўзбек халқининг атоқли ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг номи боғ билан чамбарчас боғлиқдир. Аввало, ёзувчининг отаонаси, авлод-аждодлари дафн этилган даҳма боғ майдонига тўғри келади. Иккинчидан, боғ территориясидаги чойхонада ёзувчи иштирокида мунтазам равишда шеърхонликлар, баҳс кечалари бўлиб турган. Шунинг учун ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган пайтда боққа унинг номи берилиши айни муддаодир.

167 кишилик коллектив номидан

А. МУМИНОВ,
боғ директори.

Б. ОРИПОВ,
касаба уюшма раиси.

3500 кишилик «Зарбдор» маҳалласи номидан маҳалла комитетининг раиси О. ЮНУСОВ.

«Коммунист» маҳалласининг 2300 кишилик аҳолиси номидан маҳалла комитетининг раиси Н. ҚУРБОНОВ.

ФАКУЛЬТЕТНИНГ БУГУНГИ КУНИ

Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси павильонларида олий ўқув юртларининг илғор факультетлари ва кафедралари ишини тарғиб қилиш анъанага айланиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Қайта қуриш шароитида фан билан амалиётни қўшиб олиб бориш туб ижобий ўзгаришлар манбаи эканлиги ўз исботини топмоқда.

Капитал қурилиш павильонининг «Қурилиш фани ва ахборот» бўлимида ҳозирги кунда Тошкент политехника институти инженерлик қурилиши факультети қаёти, илмий соҳаларда олиб бораётган ибратли фаолияти тарғиб қилинмоқда.

Айни кунларда факультетнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларида 3 мингдан зиёд талаба таълим олаётир. Ҳар йили 300 га яқин инженер кадрлар тайёрланаяпти. 1989 йилдан бошлаб кадрлар тайёрлашнинг янгича йўлига ўтилди. Факультет турли корхоналар билан шартнома тузиб, уларга мутахассислар тайёрлаб бера бошлади. Бу кадрлар етишмовчилигига барҳам берадиган янгича усулларнинг биридир. Лекин бир анъана анча йиллардан бери давом этиб келмоқдаки, бу ҳар жиҳатдан фойдали эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Факультет битирувчилари иштирокида турли йилларда сув билан таъминлаш ва сунъий иқлим ҳосил қилиш системаларига эга бўлган янги, замонавий ва ноёб граждан ҳамда саноат бинолари лойиҳалаштирилган ва қурилган. Бу ҳозирда ҳам давом этаётган энг ибратли ишлардан биридир. Факультет Халқлар дўстлиги саройи, Тошкент трактор заводи, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг маъмурий бинаси, Тошкент метрополитенини ишга туширишда ҳисса қўшган.

Фан ва ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда олиб борилишини яхшилаш мақсадида факультет кафедралари илмий текшириш ва лойиҳалаш институтлари, қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари, СССР ва ҳорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Факультет олимлари Бутуниттифоқ миқёсидаги мақсадли ва комплекс программаларнинг айрим босқич ҳамда топшириқларини бажармоқдалар.

Жумҳурият корхоналари билан хўжалик шартномалари асосидаги ишлар ҳажми йилига 519 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Факультет Осиё ва Африканинг 12 мамлакатига юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашда ҳам байналмиллалик ёрдамини кўрсатиб келмоқда.

Кўргазмага ташриф буюрган кишилар ана шу катта ишлар билан танишадилар.

Д. ҚАЮМОВ.

КАСАЛЛИК КАМАЙМОҚДА

● КЕЙИНГИ пайтларда Янгийўл ноҳия марказий поликлиникасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бир мунча яхшиланиб, қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, унинг қошида боллалар учун 10 ўринли ва катталар учун 10 ўринли иккита кундузги стационарлар ишга туширилди.

Ҳозирги кунда ноҳияда юқумли сариқ касаллигининг кўплиги сир эмас. Шифокорлар уни камайтиришда энг самарали йўллардан бири — бир марта ишлатиладиган шприцлардан фойдаланишдир, демоқдалар. Марказий поликлиника бош врачи Қ. Азимов раҳбарлигида бу борада муҳим тажриба ўтказилди. Н. Ниёзов номли колхознинг «Большевик» ҳамда «Коммунизм» колхозининг «Стаханов» ва «Агротехник» участкаларидаги беморларга фақат бир марта фойдаланиш мумкин бўлган шприцлар ишлатилиши оқибатида бу участкаларда юқумли сариқ касаллиги кескин камайган.

Р. АБДУҚАЮМОВА.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ УЮШИБ

Уюшган жиноятчиликка қарши фақат уюшиб курашиш мумкин. Пойтахтнинг Акмал Икромов ноҳияси Шарқ юлдузи маҳалла аҳолисининг ички ишлар, суд, прокуратура ходимлари билан бўлган учрашуви мана шу мавзуда бўлди.

Ноҳия милиция бўлимининг бошлиғи Р. Мирзаев ўтган йил тўққиз ойда жиноятчиликнинг 22 фоиз ошганлиги, умумий жиноятларнинг 48 фоизи эса ўғирликлар эканлигини маълум қилди.

— Бир-биримизнинг тўйларимиз, маъракаларимизга бирга чиқамиз. Нега энди жиноятчиликка қарши бирика олмаймиз? — деди сўзга чиққан ўқитувчи О. Умархўжаев. — Ҳозир ишхоналарда иш ҳақи сақланган уч кунлик халқ посбонлари тузиляпти. Бизнинг маҳаллада ҳам шу ишни уюштириш мумкин.

Ноҳия прокурори Б. Тойжонов маҳаллаларда қамалиб чиққанларни ишга жойлаш, ишламаётганларни аниқлаш, алоҳида рўйхатга турадиган ёшлар билан ишлашда маҳалланинг кўмаги керакligини айтиб ўтди. Шунингдек, маҳалла аҳлининг илтимосига кўра жиноят билан қўлга тушганларнинг бир нечтасининг маҳаллада очиқ суд қилиниши розилик берди.

Йиғилиш давомида кўпчилик ўзларини кўнгилли халқ посбонлигига аъзо қилиб ёзишларини сўради, ҳуқуқий масаладаги бундай учрашувларнинг тез-тез бўлишига келишилди.

М. НАЗАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

СПОРТ

«ПАХТАКОР» ТАЙЁРЛАНМОҚДА

✦ БУГУН «Политотдел» колхоз стадионида «Пахтакор» Душанбанинг «Помир» командаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказади. Маълумки, сафарда бўлган бу командаларнинг биринчи ўйинида Тожикистон футболчилари 2:1 ҳисобида устун келган эдилар.

Февраль ойининг дастлабки кунида эса Фарғонада баҳорги анъанавий турнир бошланади. Бу ерда «Помир», «Пахтакор», Тюменнинг «Геолог», Ригининг «Даугава» ва маҳаллий «Нефтянник» командалари бир даврада баҳслашадилар. 1 февралда «Пахтакор» ва «Помир» ўзаро учинчи учрашувни ўтказади. Тошкентлик футболчилар кейинги ўйинларни 4 февралда «Геолог», 6 февралда «Даугава» ва 8 февралда «Нефтянник» билан ўтказади.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

✦ «Комсомолец Узбекистана» ёшлар газетаси совғини учун Олмалиқ шаҳрида дзюдо бўйича Бутуниттифоқ анъанавий турнири бўлиб ўтди. Бунда РСФСР, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистондан келган 200 дан зиёд спортчи қатнашди. Ғолиб келганлар орасида республикамиз вакиллари И. Холиқов (65 килограмм), И. Татраев (78 килограмм), А. Бағдасаров (86 килограмм), Н. Вафоев (95 килограмм)лар биринчи бўлишди. О. Зигузиди 95 килограммдан юқори ва мутлоқ вазнда икки бор ҳурмат шоҳсупасидан жой олди.

МЕҲМОНЛАР УСТУНЛИГИДА

✦ ТОШКЕНТНИНГ «Узстройэкспериментмеханизация» баскетболчилари навбатдаги учрашувни ўз майдонларида Киевнинг Армия спорт клуби коллективи билан ўтказдилар. Биринчи учрашувда майдон эгалари кучли рақибларига маълум даражада қаршилик кўрсатиб уч очко фарқ билан 86:89 ҳисобида ютқазишган бўлса, эртаси кунги такрор ўйинда 77:92 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Биринчи лига командалари икки ҳафталик танаффусга чиқишди.

ҚИЗЛАР КОНКУРСИ

Оққўрғон ноҳиясидаги Охунбобоев номли колхоз клубида «Иқбол» қизлар конкурси ўтказилди. Конкурсда колхозчи қизлар «Бугунги кун қизлари қандай бўлиши керак» мавзусида баҳслашишди. Иштирокчилардан Фарида Маматқулова, Ибодат Нишонова, Ҳурматой Каттабоева, Гулнора Ҳакимжонова чаққонлиги ва латофати билан олқишларга сазовор бўлишди. Айниқса, Нодира Бердиқулова тайёрлаган программа барчага манзур бўлиб, у ғолиб деб топилди.

Р. ИНОҒОМОВА.

реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1, 2 февраль соат 19.30 да

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ортиқ ОТАЖОНОВ
С. М. Киров номли Ўш ўзбек музикали драма театрининг солистлари, Қирғизистон ССР халқ артистлари: Ойтожи ШАБДОНОВА, Неъматжон НЕЪМАТОВ, Толибжон БАДИНОВ;
Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Расулжон УРАЙИМЖОНОВ
«КАМОЛОТ—89» конкурсининг лауреати
Маҳамадкарим СОИПОВ
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисткаси
Муаззам ҒОФУРОВА
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
2 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
СОВЕТ ЦИРКИ ВА «ВАРШАВА» ПОЛЬША ЦИРКИ ЕТАКЧИ УСТАЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.
ТОМОШАЛАР — иш кунлари — соат 19.30 да; шанба куни — соат 16, 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса дам олиш кунисиз ишлайди, у соат 10 дан 20.00 гача очиқ.
Цирк фойесида фотосалон ишлайди.
Билетларни олдиндан барвақт сотиб олишни унутманг.
Маълумотлар олиш учун телефонлар — 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ИЎЛЛАШ МАРКАЗИ
РСФСРНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИГА ТАШКИЛИЙ РАВИШДА

ГОСКОМТРУД УЗССР

ҚЎЧИБ БОРИШНИ ХОҲЛАГАН ОИЛАЛАРНИ САЙЛАБ ОЛАДИ.

Кўчиб бориш учун ўз қарамоғида меҳнатга яроқли камида икки аъзоси: эркаклар — 16 ёшдан 55 ёшгача, аёллар — 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган оилаларгина расмийлаштирилади.
Кўчиб борувчи оилаларга жойларда алоҳида уй ёки квартира, ҳовли қурилишлари бўлган томорқа ери берилади.
Кўчиб борган оилалар икки йил мобайнида қишлоқ хўжалиги солиқлари ва квартира ҳақларини тўлашдан озод қилинади.
РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси районларига кўчиб борган оилаларнинг илгари яшаб турган жойларидаги турар жой майдонлари икки йил муддатга бронлаштирилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ:
ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 10 мартгача;
РЯЗАНЬ ВА ВОЛГОГРАД ОБЛАСТЛАРИГА — 25 мартгача;
КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 20 майгача;
НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 30 августгача;
ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ИШЧИЛАР ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ЮБОРИЛАДИ:
МОСКВА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ (АЗЛК)га — 40 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар ва аёллар 1-3 йил муддат билан.
МЕЛИТОПОЛЬ МОТОР ЗАВОДИГА — 30 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар 1-2 йил муддат билан.
УЗОҚ ШАРҚДАГИ «ЗВЕЗДА» ЗАВОДИГА — 40 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар 1-2 йил муддат билан.
КАМА КЎП ЮК ҚУТАРАДИГАН АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА — 45 ёшгача бўлган аёллар, 50 ёшгача бўлган эркаклар, 1-2 йил муддат билан.
ЕЛАБУГА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ЗАВОДИГА — 1-2 йил муддат билан «КУЗНЕЦКШАХТОСТРОЙ» ТРЕСТИГА—20 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркаклар 1-2 йил муддат билан.
«КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА — 55 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар, 50 ёшгача бўлган аёллар, 1-2 йил муддат билан.
«КУЙБИШЕВГИДРОСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА — 55 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар, 50 ёшгача бўлган аёллар, 1-2 йил муддат билан.
«ТОМЛЕСПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА — 55 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар 6 ой муддат билан.
ОРЕНБУРГ ГУШТ КОМБИНАТИГА — 50 ёшгача бўлган ёлғиз эркаклар ва аёллар 1 йил муддат билан.
МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН.
Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида — аҳолини ишга жойлаштириш шаҳар марказларига.
областнинг бошқа шаҳар ва районларида — шаҳар — район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига.
Тошкент шаҳрида — Привокзал кўчаси, 30-уй (1, 2, 5, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Будённий кўчаси» бекати). Телефонлар: 55-74-77, 33-84-84.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 03071. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. — 1720. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12